

جدید

2025-yil 14-noyabr
№ 46 (98)

www.jadid.uz



Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИ ДАВР ОСТОНАСИДА



Марказий Осиё ўз тараққиётининг янги, тарихий аҳамиятга молик босқичига қадам қўймоқда. Бугун биз чинакам бирдамлик босқичига ўтяпмиз. Бизнинг минтақамизда узок йиллар давомида илк бор биргаликда олдинга қараб боришимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳити шаклланмоқда.

Бу – ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган жараён эмас, балки умумий тақдири ва биргаликда тараққий этиш салоҳиятини англаб етган мамлакатларимиз етакчиларининг аниқ мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлари ва сиёсий иродаси натижасидир. Айни пайтда бу жараён ўзаро ишонч муҳитида тобора қизғин тус олаётгани Марказий Осиё мамлакатлари халқлари томонидан қўллаб-қувватланаётган минтақавий ҳамкорлик кенг қўламдаги заруратга айланганидан далолатдир.

Ҳамкорлигимизни минтақавий яқинлашувнинг янги босқичига олиб чиқиш учун давлатларимиз даражасида шароит яратилганини кўриб турибмиз. Олдимизда эришилган келишувларни фуқаролар ва бизнес учун аниқ натижа ва қулайликларга айлантиришдек стратегик вазифа турибди. Марказий Осиё қарорлар шунчаки ҳужжат сифатида эмас, балки минтақа мамлакатларида барқарор ривожланишни таъминлаш ва одамларнинг кундалик ҳаётини яхшилаш учун қабул қилинадиган, имкониятлардан биргаликда фойдаланиладиган умумий маконга айланиши керак.

Нисбатан қисқа муддатда минтақавий ҳамкорлик ва ишончли мулоқотнинг самарали механизмига айланган **Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари** минтақамизда бўлаётган ўзгаришларнинг ёрқин тимсолидир. Ушбу учрашувлар Марказий Осиёнинг бугунги тараққиёти ва келажиги дахлдор стратегик масалалар бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун асосий мулоқот майдони сифатида шаклланди.

Бўлажак **Тошкент саммити** барқарор, ўзаро боғлиқ ва фаровон Марказий Осиёни биргаликда барпо этишда янги муҳим босқични бошлаб беради.

(Давоми 2-саҳифада).

БАТАН МАНЗУМАСИ



Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жүр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.

Сенга тор келди бу кўкрак,
Севинчинг тошди қирғоқдан.
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи
Сени таржима қилмоқдан.

Сен эй, сен – ўйноқи дилбар,
Зафардан изла ёрингни.
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,
Тирикман, куйла борингни!

Итоат эт!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!

Ҳасан НОСИР

(4-саҳифада ўқинг).

ФАКТ

✓ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Президенти Қосим-Жўмарт Тўқаев 14–16 ноябр кунлари мамлакатга давлат ташрифи билан келади.

✓ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Юта штати бизнес делегациясини қабул қилди.

✓ Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти мажлисида Тошкент декларацияси қабул қилинди.

У Марказий Осиё мамлакатларида хотин-қизлар ҳуқуқлари, гендер тенглик ва барқарор ривожланиш масалаларини илгари суришга бағишланган минтақавий саъй-ҳаракатларни эътироф этади.

✓ Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида ўтказилаётган VI Ислон бирдамлик ўйинларида Ўзбекистон делегацияси 15 та олтин, 17 та кумуш ва 14 та бронза (жами 46 та) медаль билан иккинчи ўринда бормоқда.

ИСЛОҲОТ



ТИББИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев куни кеча Тошкент давлат тиббиёт университетида ташриф буюриб, соҳа ходимлари билан учрашди. Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда тизим ривож ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган янги ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, бундан буён байрамни “Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари куни” деб нишонлаш таклифи билдирилди. Бу таклиф икки йўналишни бирлаштириб, уларнинг аҳамиятини ошириш, илмий ҳамкорликни рағбатлантириш ва жамиятда ижобий муҳитни яратишга хизмат қиладиган муҳим қадамдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тиббиёт соҳасига 230 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган бўлса, жорий йилнинг ўзида 45 триллион сўм ажратилди. Бундай катта ҳажмдаги инвестициялар натижасида жойларда янги тиббиёт муассасалари барпо этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилиниб, замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Хусусан, 187 та янги поликлиника ва шифохона ишга туширилган бўлса, 1244 таси реконструкция қилинди. Бу ўзгаришлар натижасида бирламчи тиббиёт муассасаларининг қуввати 60 фоизга ошди.

(Давоми 3-саҳифада).

МУТОЛААДАН СЎНГ



ХУШҲАБАР БЕРГУВЧИ ВА ОҒОҲЛАНТИРУВЧИ

Қуръони Карим маъноларининг
янги изоҳли таржимаси –
“Анворул-Қуръон: Файзул-Фурқон” ҳақида

Мўътабар китоб – “Анворул-Қуръон: Файзул-Фурқон” (Қуръони Карим маъноларининг изоҳли таржимаси) мутлоааси ҳар бир ўқувчига Яратгanning чексиз қудратини англади, инсоннинг ожиз банди эканини яна бир бор эслатади. Зеро, “ҳам хушхабар бергувчи, ҳам (оқибат ҳақида) оғоҳлантирувчи (ҳолида туширилган)” Қуръони Каримда айтилади (оят маъноси): “Аллоҳ сўзнинг энг гўзалини (равонлик ва оҳангдан, фасоҳат ва балоғатда) бир хил ўхшашликда бўлган ҳамда (ҳукмлари) тақрорли (хушхабар ва таҳдид – ваъда ва ваъди, раҳмат ва азоб, жаннат ва дўзах каби муқобил қийсий баёнли) бир Китоб ҳолида нозил қилди. Ундан (Қуръондан) Раббисидан қўрқадиганларнинг (оятларни тинглаб) баданлари титрар, кейин эса танлари ва қалблари Аллоҳнинг зикри учун юмшар. Ана шу (Китоб) Аллоҳнинг (сўнгги юборган) ҳидоятидир...” (“Зумар” сураси, 23-оят).

Ислон динининг дунёга келишига оид энг ҳаққоний тарих ҳам ушбу Китобдадир. Баён этиладики, ислондан олдин Каъбада мушриклардан ҳар бир қабила-нинг биттадан бутти, чунончи, Вадд, Сувоъ, Яғус, Яғуқ, Наср сингари энг улуғ бутлари бўларди. Аслида, улар ҳазрати Одам алайҳиссалом ўғилларининг исми бўлиб, халқ бу қаҳрамон зотларни севгани сабабли вафотларидан кейин уларни унутмаслик ва термилиб туриш учун расмларини чизиб, уйларига осадди. Ишнинг моҳияти унутилгач эса кейинги насллар уларни ҳайкал сифатида бутлаштириб, майдонларда уларга сўғина бошлади.

(Давоми 4-саҳифада).

ИЛМ ЙЎЛИ

ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИБ...

ЎзФА У.А.Арифов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари
инститuti директори Ҳотам АШУРОВ билан суҳбат



– Домла, тезкор замонга хос шош-қалоплик ё эътиборсизлики, илмий муассасаларга номи берилган шахслар исмини нутқимизда ташлаб кетишга одатландик. Аксар ҳолларда, уларнинг кимлигига ҳам қизиқмаймиз. Келинг, суҳбатимиз аввалида бу “анъана”га зид равишда Убай Арифов фаолиятига назар ташласак.

– Тўғри айтдингиз. Ўзбекистон Фанлар академияси қошида 31 та илмий-тадқиқот муассасаси бўлса, улардан 10 тасига фидойи алломаларимиз номи берилган.

(Давоми 3-саҳифада).

НУҚТАИ НАЗАР

ОНГ ВА РАҚАМЛИ ҒОЯ

XXI аср кишилари ахборот цивилизацияси босқичига кирди. Эндиликда жамият тараққиёти ва оқойишталлигини фақат иқтисодий ёки сиёсий омиллар эмас, ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш қобилияти, яъни рақамли онг даражаси ҳам белгиламоқда. Бундай шароитда ҳар бир миллатнинг келажиги унинг ахборотга бўлган муносабати, сунъий интеллектни қандай тапқин қилиши ва рақамли муҳитда миллий ўзлигини сақлаб қолиш қобилияти билан чамбарчас боғлиқ.

(Давоми 5-саҳифада).





МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИ ДАВР ОСТОНАСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Давлат раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви биз бошлаган йўлнинг давоми сифатида мамлакатларимизнинг ўзаро англашув ва шериклик руҳига содиқлигини тасдиқлаши, минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришда туб бурилиш ясаши керак.

Жаҳон тартиботининг кенг қўламда трансформацияга учраши, глобал иқтисодийётни парчалашга қаратилган хатарлар, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашиб бораётгани саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш йўлидаги интилишимизни кучайтирди.

Буларнинг барчаси Марказий Осиё давлатларидан янада жипс ва ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишни тақозо этади.

Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш шунчаки сиёсий мақсад эмас, балки стратегик заруратдир. Марказий Осиё барқарорлик ва бунёдкорлик ҳудудига, минтақавий ўзаро боғлиқлик барқарор ривожланиш ва хавфсизлик учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётганининг намунасига айланди.

Маслаҳат учрашувлари формати йўлга қўйилган 2017 йил минтақавий ҳамкорлик тарихида туб бурилиш ясади. Минтақа етакчилари кўп йиллар мобайнида биринчи марта ташқи воситачиларсиз тизимли ва мунтазам мулоқотни бошлади. Бу ишончга, очкилик ва умумий манфаатларни англашга асосланган **янги** **сиёсий тафаккур** рамзига айланди. Айнан Маслаҳат учрашувлари доирасидаги мулоқот туфайли эски даврдан қолган бир қатор келишмовчиликларни бартараф этиш ва ишончсизликдан ҳақиқий ҳамкорликка ўтишга эришилди.

Минтақавий ҳамкорлик борасида бошланган янги босқичнинг энг муҳим ютуқларидан бири – **чегара масалалари узил-кесил ҳал этилгандир**. Яқин-яқингача имконсиз туюлган бу муаммонинг ечими бугун реал ҳолатга, бир пайтлар бизни ажратиб турган чегаралар эса дўстлик ва ҳамкорлик қўприғига айланди. 2025 йил март ойида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида **уч давлатнинг чегаралари туташган нукта тўғрисидаги Шартнома** ва **Хўжанд декларациясининг** имзолангани тарихий аҳамиятга молик ҳодисадир. Бунга ҳақли равишда оламшумул воқеа деб аташ мумкин.

Минтақа мамлакатларининг мустақил ривожланиш тарихида илк бор ўзаро чегараларнинг барчаси ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди, ўнлаб йиллар давомида кескинлик манбаи бўлиб келган масалага нукта қўйилди.

Шу йил октябрь ойида бўлиб ўтган Фаргона тинчлик форуми мамлакатларимизнинг Фаргона водийсида тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашга бўлган ўзаро интилишининг яққол амалий тасдиғи, Марказий Осиёда кечаётган бунёдкорлик жараёнларининг ифодаси бўлди.

Илгари кескин келишмовчилик ва зиддиятларга сабаб бўлиб келган **сув-энергетика соҳасида** ҳам принципиал ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида **Қамбарота ГЭС-1** лойиҳасини биргаликда амалга ошириш тўғрисидаги битим минтақанинг сув-энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш амалиётида янги саҳифа очгани қардошларча ҳамкорликнинг ёрқин далилидир.

Тошкент ва Бишкек ўртасида **Чашма булоғидан** биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги келишув оқилона муросага мисол бўла олади. Ўзбекистон ва Тожикистон иштирокида Зарафшон дарёсида **Ёвон** ва **Фондэр ГЭС-ларини** қуриш бўйича ҳамкорлик олдинга силжимоқда, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон ўртасида **Баҳри Тожиқ сув омборини** вегетация даврида келишилган тартибда ишлатиш бўйича келишувларга эришилди.

Туркманистон билан ҳукуматлараро битим доирасида **Амударё сув ресурсларидан** оқилона фойдаланиш бўйича келишувга эришилди. Бу сув ресурсларини биргаликда бошқаришни яхшилаётган ҳамда экологик муаммолар хавфини камайтиради.

Буларнинг барчаси ишонч, ўзаро манфаатдорлик ва умумий ресурсларга адолатли ёндашувга асосланган янги ҳамкорлик руҳини шакллантирмоқда. Бундай лойиҳалар аҳолининг иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва минтақанинг энергетик хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар очмоқда.

Шу билан бирга, чегара тартиб-таомиллари ва гуманитар алоқалар соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. 2023 йил сентябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқаролари **ID-карталар** асосида чегарадан ўтаётгани одамларнинг эркин ҳаракатланиш ҳудудини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Қозоғистон ва Тожикистон билан ҳам шундай келишувлар ишлаб чиқилмоқда. Ҳудудлар ўртасидаги алоқалар кенгаймоқда, чегараолди савдо ҳажми ошмоқда, гуманитар

ва маданий алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Ҳамкорликни институционал жиҳатдан расмийлаштириш бўйича қадамлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада 2023 йилда Душанбе шаҳрида ўтказилган бешинчи Маслаҳат учрашувини қайд этиш лозим.

Мазкур учрашувда давлат раҳбарларининг келишувларини тайёрлаш ва амалга оширишнинг доимий механизми сифатида **Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши**ни таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу механизмнинг ишга туширилиши Маслаҳат учрашувлари форматига тизимли тус бериш ва биргаликда илгари сурилган ташаббусларни амалга оширишда изчилликни таъминлаш имконини берди. Шунингдек, **парламентлараро мулоқот** ва **Хавфсизлик кенгашлари котиблари даражасида мунтазам учрашувлар** йўлга қўйилган.

2022 йилда бўлиб ўтган Чўлпонота учрашуви яқунлари бўйича суверен тенглик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва минтақа келажаги учун биргаликдаги масъулият тамойилларини мустаҳкамлаган **XXI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш мақсадларида дўстлик, яхши кўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг** имзоланиши **шартномавий-ҳуқуқий базани** янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. 2025 йилда Тожикистоннинг бу ҳужжатга қўшилгани минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Биз ушбу қарорни олишлаймиз ҳамда яқин истиқболда Марказий Осиёда ўзаро ишонч, яхши кўшничилик ва стратегик шериклик руҳини узил-кесил мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мазкур шартнома минтақанинг барча давлатлари томонидан имзоланишини кутиб қоламиз.

2022 йилда давлат раҳбарлари томонидан **Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама форматлар доирасидаги ҳамкорлиги концепцияси** ҳам тасдиқланди. Унда минтақа мамлакатлари халқаро платформаларда, жумладан, “Марказий Осиё плюс” форматларида ўзаро мувофиқ ҳолда ҳаракат қилишининг йўналишлари белгилаб олинди. 2024 йилда Остона саммитида қабул қилинган **“Марказий Осиё – 2040” минтақавий кооперацияни ривожлантириш концепцияси** муҳим дастурий ҳужжат бўлди. Унда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва мамлакатларимиз тараққиётига қаратилган ҳамкорликнинг узоқ мuddати устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу тарика кўп қиррали ўзаро ҳамкорлик архитектурасини барпо этар эканмиз, ривожланиш учун улкан манбаларни кашф этдик.

Давлатларнинг саъй-ҳаракатлари билан минтақада **янги иқтисодий воқелик** шаклланимоқда. Сўнгги саккиз йил давомида Марказий Осиё мамлакатларининг ялпи ички маҳсулоти қарийб икки ярым баробар ўсиб, 520 миллиард долларга, ташқи савдо ҳажми эса икки қаррадан зиёд кўпайиб, 253 миллиард долларга етди. Шу билан бирга, минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2 марта ошиб, қарийб 11 миллиард долларга, ўзаро инвестициялар эса 5,6 баробарга етди. Биргина мамлакатимизни оладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 2016 йилдаги 2,4 миллиард доллардан 2024 йилда 7,2 миллиард долларга етди, қўшма корхоналар сони эса 1800 дан ошди.

Саноатда Марказий Осиё барқарор равишда йилгига 6 фоиз атрофидаги ўсишни намойиш этмоқда, бу жаҳондаги ўртача ўсиш суръатидан икки қарра юқори. Бундай муваффақият ишлаб чиқариш кооперациясининг янги шакллари йўлга қўйиш – қўшма инвестиция фондларини (жумладан, Ўзбекистон – Қирғизистон, Ўзбекистон – Тожикистон ва Қозоғистон – Қирғизистон) ташкил этиш, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик саноати, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ. Минтақа мамлакатлари томонидан тасдиқланган **2025-2027 йилларда саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар режаси** ҳамкорликнинг муҳим воситасига айланмоқда. Кичик ва ўрта бизнеснинг ўсишига қўмаклашадиган чегараолди савдо зоналари ва халқаро саноат кооперацияси марказлари фаол ривожланимоқда.

Гуманитар соҳада ҳам кейинги йилларда алоқалар мустаҳкамланмоқда. Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти ва Ёшлар платформаси таъсис этилди, 2022 йилдан бошлаб ректорлар ва олимлар форумлари ўтказилмоқда, ўзаро маданий йиллари, қўргазмалар, концертлар ва спорт тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда.

Энг муҳими, **қардош халқларимиз бўлаётган барча ижобий ўзгаришларни ўз кундалик ҳаётида ҳис этмоқда**. Янги ўтказиш пунктлари очилгани, авиақатновлар, темир йўл ва автобуслар йўналишлари йўлга қўйилгани ўзаро борди-келдиларни бир неча бор ошириш, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш имконини берди. Минтақа

мамлакатларининг умумий сайёҳлик оқимида ички минтақавий туризмнинг улуши 80 фоиздан ошди.

Яқин-яқингача орзу бўлиб туюлган эркин ҳаракатланиш, ўзаро ҳурмат, яқинлик ва ишонч тўғриси бугун амалдаги ҳақиқатга айланмоқда.

Аста-секин Марказий Осиёнинг янги **минтақавий ўзига хослиги** вужудга келмоқда. Бу фарқли жиҳатларимизни эътироф этиш ва айни пайтда халқларимизнинг умумий тарихи, муштарак маданиятини, тақдирларимиз ўзаро боғлиқ эканини чуқур англашга асосланади. Қўшничилик – хавф эмас, имконият, бир тарафнинг муваффақияти – барчанинг ютуғи деган ягона минтақавий маконга мансублик ҳисси шаклланимоқда.

Мана шундай ишонч, ўзаро англашув ва умумий келажақ руҳи бугунги кунда минтақавий жипслашувни янада мустаҳкамлаш, яъни барқарор ва ўзаро боғлиқ, фаровон Марказий Осиёни биргаликда барпо этиш бўйича **Марказий Осиё жараёнини** бошлаш учун энг муҳим таянч асосдир.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати ўз саъй-ҳаракатларини иқтисодийётни ривожлантириш, ишончни мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтириш орқали минтақамиз барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлашга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Қозоғистон транспорт йўлакларини фаол ривожлантирмоқда, чегара пунктларини модернизация қилмоқда, савдо тўсиқларини бартараф этмоқда ва маданий-гуманитар алмашинув бўйича лойиҳаларни амалга оширмоқда. Қирғизистон ва Тожикистон музликларнинг эриши билан боғлиқ масалаларда изчил ҳамкорлик қилмоқда, энергетика тизимларини модернизация қилиш ва транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширмоқда. Туркменистон тинчлик ва ишончини мустаҳкамлаш, минтақанинг транспорт-транзит салоҳиятини ошириш, БМТнинг Орол хавзаси ва иқлим технологиялари бўйича дастурини қабул қилишга доир муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда.

Амалий ҳаракатларимиз, келажақ учун масъулиятимиз, яхши кўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаат тамойилларига содиқлигимиз шунинг исботлади: **Янги Марказий Осиё** тинчлик, барқарор тараққиёт ва яратувчан шериклик йўлини танламоқда. Рамзий маънода айтганда, биз девор эмас, кўприк барпо этмоқдамиз.

Минтақавий жипслашув борасидаги ютуқлар туфайли бугунги кунда Марказий Осиё халқаро муносабатларнинг ўз манфаатлари ва тараққиёт йўлларини аниқ тасаввур этадиган мустақил ва масъулиятли иштирокчиси сифатида қарор топди.

“Марказий Осиё плюс” ҳамкорлик форматлари **минтақанинг халқаро ҳуқуқий субъект сифатидаги мавқеи** кучайиб бораётганининг ифодаси ҳамда барқарорлик ва тараққиётнинг муҳим маркази сифатидаги ролининг эътирофи бўлди.

Илгари ташқи ҳамкорлар алоқаларни асосан икки томонлама асосда қўрган бўлса, бугунги кунда дунёнинг етакчи давлат ва бирлашмалари Марказий Осиё билан муносабатларни яхлит минтақавий шерик сифатида ривожлантирмоқда.

Бу минтақанинг бошқа ҳамкорлар билан муносабатларини янги босқичга олиб чиқади: Марказий Осиё ташқи ҳамкорлар билан халқаро муносабатларнинг ягона субъекти сифатида мулоқот қилса, унинг овози баландроқ ва ишончлироқ янграйди, позициямиз қучлироқ бўлади, инвестицияларни жалб этиш, бошқа мамлакатлар билан барча йўналишларда ҳамкорликни кучайтириш бўйича вазифаларни янада самарали ҳал қила оламиз.

Дунёга очкичилигимиз, ниятларимизнинг шаффофлиги ва мулоқотга мойиллигимиз халқаро майдонда Марказий Осиёни янгича қабул қилиш учун асос бўлди.

Айни пайтда Марказий Осиёни дунёнинг етакчи давлатлари ва бирлашмалари билан боғлайдиган ўндан ортиқ “Марказий Осиё плюс” форматлари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўзида “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи”, “Марказий Осиё – Хитой”, “Марказий Осиё – Россия” ва “Марказий Осиё – АҚШ” саммитлари бўлиб ўтгани минтақанинг глобал сийёсатдаги шиддати ва стратегик аҳамияти ортиб бораётганини тасдиқлайди.

Янгидан-янги “Марказий Осиё плюс” мулоқотлари давлат раҳбарлари даражасига қўтарилаётгани уларнинг амалий аҳамияти ва сиёсий қиммати ортиб бораётганидан далолат беради. Бир қатор форматларда эса энергетика, транспорт, “яшил иқтисодиёт” ва рақамлаштириш соҳаларида аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ ва котибиятлар ташкил этилмоқда.

Афғонистон билан боғлиқ масалаларни ҳал этмасдан туриб, минтақавий барқарор-

лики мустаҳкамлаб бўлмайди. Бу мамлакат умумий минтақамизнинг бир чеккасида эмас, балки унинг табиий бир қисмидир. Бутун Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликнинг мустаҳкам бўлиши кўп жиҳатдан Афғонистоннинг тикланиши ва ривожланишига боғлиқ.

Афғонистоннинг жафокаш халқи **чуқур гуманитар инқироз** шароитида яшада давом этмоқда. Шу муносабат билан минтақа мамлакатлари Афғонистонни минтақавий ва халқаро жараёнларга изчил жалб этиш зарурлигидан келиб чиқмоқда. Бу эса ушбу мамлакат тараққиёти ва кенг минтақамизда барқарорлики мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Марказий ва Жанубий Осиёни боғлайдиган **Трансафғон темир йўлини** барпо этиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши савдо, инвестициялар ва транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлик учун янги имкониятлар яратади, шунингдек, Афғонистоннинг иқтисодий тикланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, афғон халқиға гуманитар ва таълим борасида ёрдам кўрсатиш, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодийётнинг муҳим тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш ишлари давом этмоқда.

Афғонистон умумий тинчлик ва хавфсизлик, ҳамкорлик ва тараққиёт маконининг бир қисмига айланиши лозим. Бу минтақанинг барча мамлакатлари манфаатларига жавоб беради ҳамда Марказий Осиёнинг жанубий сарҳадларида барқарорлик белбоғини шакллантиришга хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бугунги кунда Марказий Осиё ўз жадал тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Биз икки томонлама масалаларни ҳал этишдан иқлим ўзгариши, энергетика соҳасидаги ўтиш, сув ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, рақамли технологияларни ривожлантириш каби асосий минтақавий таҳдидларга биргаликда ечим топиш сари бормоқдамиз. Мамлакатларимиз олдида умумий масъулият, ўзаро ишонч ва келажагимиз ҳақидаги яқдил тасаввурга асосланган ҳамкорликнинг янги уфқлари очилмоқда.

Шу муносабат билан Марказий Осиё яқин ўн йилликларда қандай ривожланади деган принципиал саволга биргаликда жавоб беришимиз зарур.

Марказий Осиё аҳолиси 80 миллионлик маррадан ўтиб бўлди, БМТ прогнозларига кўра, 2050 йилга бориб, бу кўрсаткич 100 миллиондан ошади. Шунингдек, Марказий Осиё дунёнинг энг ёш минтақаларидан бири бўлиб, аҳолисининг ўртача ёши атиги 29 ёшни ташкил этмоқда.

Олдимизда ушбу демографик ресурсни тараққиёт ва инновациянинг қудратли омилига айлантириш, ёшларимизнинг истеъдоди ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш вазифаси турибди.

Айни пайтда мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш суверенитет, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик борасидаги мустаҳкам пойдевор асосида амалга оширилиши лозим деган вазмин ёндашувини қайд этиш муҳимдир. Ҳеч ким минтақа мамлакатларига бегона моделларни тиқштирмаслиги ёки миллий тузилмалардан устун турадиган тузилмаларни яратмаслиги лозим.

Марказий Осиёдаги ҳамкорлик ихтиёрий, прагматик ва мамлакатларимиз халқларига фойда келтирадиган реал натижаларга йўналтирилган бўлиб қолиши керак.

Ҳозирги босқичда олдимизда ўта муҳим масалалар турибди, минтақамизнинг барқарорлиги ва ривожланиш суръатлари уларнинг ҳал этилишига боғлиқ.

Биринчидан, минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш давом эттириш – мавжуд механизмларни мустаҳкамлаб, уларга барқарор тус ва амалий маъно-мазмун бағишлаш зарур. Охир-оқибатда самарали минтақавий институтларсиз ҳамкорликни тизимли ривожлантириш ва қабул қилинаётган қўшма қарорларни сифатли амалга оширишни таъминлаб бўлмайди.

Иккинчидан, хавфсизлик соҳасидаги мақсадимиз – таҳдид ва хатарларга қарши курашиш бўйича умумий салоҳиятни шакллантиришдан иборат. Хавфсизлик кенгашлари котиблари, махсус хизматлар, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини давом эттириш лозим. “Хавфсизликнинг бўлинимаслиги” принципи асос бўлиб қолиши керак. Айни пайтда минтақавий ҳамкорлик амалдаги халқаро механизмлар билан узвий боғлиқ бўлиши, барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатлар ва умуман, минтақа хавфсизлигига нисбатан таҳдидларнинг кенг доирасига қарши туриш бўйича ўз салоҳиятини шакллантириши лозим.

Учинчидан, иқтисодий соҳада ички минтақавий савдонинг ривожлантириш, чегаралардан ўтиш тартиб-таомилларини соддалашти-

риш ва ўзаро инвестициялар учун қулай шароитлар яратиш муҳимдир. Саноат кооперациясини фаоллаштириш, минтақавий ва ҳудудлараро етказиб бериш занжирларини шакллантириш, чегараолди савдо зоналарини ривожлантириш, транспорт ва иқтисодий йўлақлар тармоғини кенгайтириш, транспорт, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва рақамли иқтисодиёт соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш зарур.

Ҳамкорликнинг экологик жиҳатиға – иқлим ўзгаришларига мослашиш, трансчегаравий сув ресурслари ва биологик хилма-хилликни асраш, “яшил” энергетика ва кам углеродли технологияларга ўтиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Марказий Осиё барқарор экологик ривожланиш минтақаси ва атроф-муҳитга масъулиятли муносабатнинг намунаси бўлишга қодир ва шундай бўлиши керак.

Тўртинчидан, гуманитар ҳамкорлик устувор йўналиш бўлиб қолимоқда. Инсон капиталини ривожлантириш, таълим, илм-фан ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш марказий вазифадир. Умумий ахборот маконини яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш сифатини ошириш, умуман, ижтимоий соҳани, жумладан, туризмни ва ёшларга оид қўшма дастурларни ривожлантириш – буларнинг барчаси халқлар ўртасидаги ўзаро англашувни мустаҳкамлашга бевосита хизмат қилади. Умумий қадриятлар, маданий яқинлик ва фаровонликка биргаликда интилишга асосланган минтақавий ўзига хосликни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бешинчидан, Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи сиёсатда келишилган ёндашувларини ишлаб чиқиш муҳим йўналиш ҳисобланади.

Геосиёсий беқарорлик тобора ортиб бораётган ва жаҳон куч марказлари ўртасида рақобат кучайган шароитда минтақа давлатларининг халқаро майдондаги позицияларини мувофиқлаштириш барқарорлик ва умумий манфаатларни ҳимоя қилишнинг муҳим омилгига айланимоқда. Шу нукта назардан асосий ҳамкорлар билан прагматик алоқаларни йўлга қўйишда ўз самарадорлигини исботлаган “Марказий Осиё плюс” форматларини янада ривожлантириш зарур.

Ҳозирги босқичда “Марказий Осиё плюс” форматлари ва бошқа халқаро мулоқот майдонларида минтақавий мувофиқлашувни ривожлантириш, ташқи шериклар билан ҳамкорлик масалалари бўйича келишилган устувор йўналишлар ва позицияларни ишлаб чиқиш стратегик вазифага айланмоқда. Фақат шу йўл билангина жаҳоннинг етакчи мамлакатлари ва бирлашмалари билан ҳамкорлигимизни давлатларимиз ва бутун минтақанинг иқтисодий ҳамда технология тараққиётига, барқарорлигига хизмат қиладиган аниқ лойиҳалар асосида бойитишимиз мумкин.

Ўзбекистон учун минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш тактик танлов эмас, балки Марказий Осиё келажаги учун умумий масъулиятни англашдан келиб чиқадиган онгли стратегик қарордир.

Ишончимиз комилки, глобал ноаниқлик даврида яхши кўшничилик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш – Марказий Осиёнинг асосий ресурсидир. Минтақа мамлакатлари якка ҳолда ҳал қилиши қийин бўлган умумий хавфсизлик муаммолари ва ривожланиш вазифалари биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин. Ишонч ва шериклики мустаҳкамлаш ўз келажагини умумий қадрдон дидеримиз – Марказий Осиёнинг тинчлиги, барқарорлиги ва тараққиёти билан боғлаган миллионлаб одамларнинг манфаатларига жавоб беради.

Бугун биз кучли, барқарор ва фаровон минтақа – Янги Марказий Осиёнинг мустаҳкам пойдеворини яратмоқдамиз.

Минтақамизда кечаётган жараёнлар – бу онгли ва ортга қайтмас танлов. Ушбу йўл биздан нафақат биргаликдаги саъй-ҳаракатларни, балки умумий келажагимиз учун масъулиятни ўз зиммаларига олишга тайёр бўлишимизни ҳам талаб қилади.

Куч ва имкониятларимизни бирлаштириб, умумий вазифаларни ҳал этмоқдамиз, шунингдек, халқаро ҳамжамиятга тинч ва бунёдкор ҳамкорликнинг **вақт ва ҳаёт синовида** **ўтган – ишонч, яхши кўшничилик ва ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланган ўз моделимизни** тақлиф этмоқдамиз. Ва бугун Марказий Осиёни кенг минтақамизда яшаётган барча миллат ва халқлар учун ягона тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт маконига айлантирадиган ушбу тарихий суръатни сақлаб қолишимиз ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

“Янги Ўзбекистон” газетасининг 13 ноябрь 234-сонидан олинди.

Бошланиши 1-саҳифада.

Шу жумладан, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти Убай Арифов шарафига номлангани беҳиз эмас.

Убай Арифов 1909 йил 9 июнда Қўқон шаҳрида таваллуд топган. Ўзбекистон давлат педагогика академиясини тугатган. Қарийб ярим асрлик фаолияти давомида 400 дан ортиқ илмий иш, хусусан, 15 та монография ва 20 дан зиёд ихтиро муаллифи сифатида салмоқли илмий мерос қолдирган. Устоз Ядро физикаси институти ва Электроника институти асосчиси ҳисобланади. Фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти (1962–1966), Академиянинг физика-математика фанлари бўлими раиси ва бошқа масъул лавозимларда ишлаган. Академик, фан арбоби ва Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати Убай Арифов 1976 йил 24 декабрда вафот этган.


Домла ташкил қилиб, ўзи раҳбарлик қилган Электроника институтига 2012 йилда олим номи берилиб, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти сифатида қайта тўзилди. Афсуски, 2016 йил 2 майда муассаса фаолияти тугатилиб, илмий лабораториялар Тошкент давлат техника университетига ўтказилди. Янги Ўзбекистонда илмий-тадқиқот фаолиятининг моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган салмоқли ишлар амалга ошириш бошланган 2017 йилда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев қарори билан У.А.Арифов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари институти янгидан ташкил этилди.

– Баъзан “ёш” фанлар ҳақида гап кетганда, ҳатто, туппа-тузук одамлар ҳам “Шунга ҳам алоҳида институт шартми?” дейишади. Ион-плазма ва лазер технологиялари ҳам омма учун маъмув ва мураккаб соҳа бўлиб кўринади. Аслида, бу қандай тармоқ?

– Плазма бу аслида ионлашган газлар. Аввалига ионлар сони кўпайиши ионлар дастасини шакллантиради. Уларнинг сони, яъни зичлигини тобора оширганимиздан кейин улар плазма кўринишига ўтади. Бу модданинг табиатдаги қаттиқ, суюқлик, газ ҳолатларидан кейинги тўртинчи шаклидир.

Плазма ишлатилганда, кўпплаб кимёвий ва физик жараёнларни тезлаштириш мумкин. Масалан, кимёда фақат иссиқлик таъсирида баъзан ҳафталаб давом этадиган узун реакциялар ҳам плазма таъсирида бир неча дақиқа ичида рўй беради. Плазма ёрдамида ҳароратни бошқарамиз ва энергия тўғридан-тўғри керакли нуктага узатилади. Ҳаммаси билган электр пайвандлаш жараёнини олайлик. Иккита детални бир-бирига пайвандлашда фақат иссиқлик ишлатамиз, десак, иккита бутун детални эритиш керак. Натижада, у ўз шаклини йўқотади, бошқа деформациялар бўлади ва кейин бир-бирига қўйилиб совутилади. Электроднинг учига ҳосил бўлаётган плазма ёрдамида эса белгиланган жойнинг ўзига энергияни йўналтириб, ўша жойни эритиб, бир-бирига боғлашимиз, пайвандлашимиз мумкин.

Бу энг оддий ва кундалик ҳаётда тез-тез учрайдиган мисол, бошқа кўпплаб жараёнларда ҳам плазмани ишлатиш имконияти мавжуд. Сўнгги йилларда плазмани кўплаш ёрдамида Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган перренат аммонийни қайта ишлашни амалга оширдик. Перренат аммоний “Навоийуран” давлат



корхонасида уран ишлаб чиқаришнинг ёндош маҳсулоти ҳисобланиб, таркибида рений бор. Худди шу сингари, мис-молибден ишлаб чиқарилганда, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ҳам ёндош маҳсулот сифатида олинади. Перренат аммоний рений олишдаги оралиқ маҳсулот ҳисобланади.

Эътиборлиси, рений жаҳонда кенг тарқалмаган. Дунёда бир йилда ўртача 50 тонна атропофида ишлаб чиқарилса, Ўзбекистонда шунинг 4-5 фоизини қоплаш имконияти бор. Бу жуда ҳам муҳим элементлардан бири ҳисобланади. Бусиз ракета учмайди, фазо кемасининг алангага, иссиқликка бардошли қисмига, албатта, рений қўйилади. Шу пайтгача перренат аммонийдан тоза ренийни олиш учун ўн соатлаб давом этадиган термик жараёндан фойдаланиб келинган. Биз плазмадан фойдаланиб, ушбу жараёнинг давомийлигини икки соатгача камайтириб, водород газининг сарфини 20 баробардан 100 баробаргача камайтиришга эришдик. Ҳозир бу ишланмани “Навоийуран” металлургия комбинатларида ҳам жорий қилиш бўйича ишлар олиб бориляпти.

Муҳими шундаки, керак бўлаётган асбоб-ускунанинг ҳаммасини институтда ясаш имкони бор.

– Демак, жараёнда вақт ва маблағ тежалди. Импортга эҳтиёж қолмаган ҳолда, экспортдан иқтисодиётга кўпроқ фойда келади. Бу ҳам фаннинг амалиётдаги ютуқларидан бири, шундай эмасми?

– Албатта. Технологик асбоб-ускунанинг ҳаммасини институтнинг ўзида тўлиқ тайёрлаб, етказиб, ўрнатиб берамиз ва қандай ишлашини ўргатамиз. Бу ишланма иккита комбинатда тўлиқ синовдан ўтиб, яхши натижалар олинди. Ушбу иш ўзимизда илк марта амалга оширилди. Жаҳонда илк бор кукунсимон моддага плазмада узоқ пайт ишлов бериш имкони яратилди. Кукунсимон материалларни плазмада ушлаб туриш муаммоси шу пайтгача ечилмаган эди. Чунки кукун заррачалари плазма таъсирида ҳар томонга сочилиб кетади. Бизнинг мана шу ишланмамиз яратилганича,

плазмада ишлов бериш имконияти йўқ эди. Бу қурилма бизда ўйлаб топилгани сабабли, уни кўплашда зарур бўладиган асбоб-анжомлар ҳозирча бошқа ерда йўқ. Тайёр маҳсулот бўлмагандан кейин, уни ўзимиз ишлаб чиқаришга ўтдик.

– Ион-плазма ва унинг ҳаётга татбиқ қилиниши ҳақида фойдали маълумотлар келтириб ўтдингиз. Сўхбатимизни лазер технологиялари мавзусида давом эттирсак...

– Лазер ёрдамида жуда кўп жараёнларни амалга ошириш мумкин. Лазер нури ёрдамида металлларга ишлов бериш, кесиш каби масалалар жуда осонлашиб кетди. Ҳозир кичик хусусий корхоналарда ҳам лазер ёрдамида анча ишлар қилинади. Лекин бу лазернинг ҳамма имконияти очиб берилди, дегани эмас. Ҳозир биз лазернинг тиббиётдаги ўрнини кенгайтириш бўйича ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширялмиз. Ёруғликнинг ҳужайрага қандай таъсир қилишини компьютерда моделлаштирадиган алоҳида лабораториямиз бор. Жуда ҳам кучли ғуруҳ ишлайди у ерда. Бу ишлар ҳо-силаси шуки, тажрибада кўриб, сезиб бўлмайдиган, жуда қисқа вақт ичида содир бўлаётган жараёнларни катта аниқликда моделлаштириб, амалиётда қайси жиҳатга кўпроқ эътибор бериш кераклиги бўйича муҳим кўрсатмаларни ишлаб чиқамиз.

Лазернинг ҳам, ионлар, плазманинг ҳам қўлланадиган соҳаси кенг, ҳаммасини қамраб олиб бўлмайди. Биз тадқиқотларни республикада долзарб бўлган масалаларга йўналтиришга ҳаракат қилаялмиз. Масалан, “Ўзкимё-саноат” АЖ ҳамкорлигида метандан водород ажратиб олишнинг самарали усуллари устида ишлялмиз.

Тўғри, бу амалиётда бор. Лекин Ўзбекистонда қўлланаётган технологияда бир килограмм водород газини ишлаб чиқаришда 9,5 килограмм СО₂, яъни ис газини ҳосил бўлади. Агар уни бошқа жойда ишлата олмасангиз, ёйиб утилизация қилмасангиз, атмосферага чиқариб юбориш керак. Бироқ иссиқхона газини камайтириш бўйича халқаро мажбурият бор. Шунда биз тақлиф қилган усул янги ечим бўлиши мумкин.

Бунда ис газини ишлаб чиқарилмайди. Ўрнига яна битта маҳсулот – қаттиқ углерод оламиз. Бу билан шиналар учун импорт қилинадиган углерод қукуни ўрнини қоплаш мумкин.

Маълумот учун, мамлакатга бир йилда ўртача 4 минг тонна углерод қукуни олиб кирилади. Шунингдек, қукуни турли бўёқлар, пластмасса ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ишлатиш мумкин. Таннархи арзонлашгандан кейин уни ишлатиш жойи ҳам кўпаяди.

– Бундай улкан лойиҳаларни амалга оширишда, табиийки, хоризж тажрибасини ўрганиш ва хоризж тажрибасини ўрганиш масаласи ҳам жараёнинг бир қисмини ташкил этади. Бугунги кунда институтнинг ҳамкорлик географияси қайси ҳудудларни қамраб олган?

– Жаҳон билан узвий ва мунтазам алоқалар фан ривожининг муҳим шартидир. Ҳозирда АҚШ, Россия, Хитой, Туркия, Германия, Жанубий Корея, Япония университетлари, илмий-техшириш институтлари билан электроника, куёш энергетикаси, фотоника, энергия сақлаш тизимлари каби долзарб йўналишларда ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Электроника соҳаси жадал ривожланыпти. Бу эса жаҳонда кремний материаллига бўлган талабни оширяпти. Бундан ташқари, куёш панелларининг 95 фоиздан ортиғи кремний асосида тайёрланади. Кремний олишда ўтган асрнинг ўрталарида яратилган хлорли жараён ишлатилади. Бу ҳозирги экологик талабларга жавоб бермайди. Дунёда шу соҳа бўйича етакчи ўрнини эгаллаган Хитойда ҳам хлорли чиқиндиларни зарарсизлантириш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Биз илмий изланишлар давомида муаммага ечим сифатида кремнийни хлорли эмас, балки спиртли технология асосида олишни тақлиф қилдик. Натижада, ўша электроника қурилмалари ва куёш панеллари учун керак бўладиган камиди 99,999999999 фоиз тозаликдаги кремний олиш имкони яратилди. Бу технология ўзимиз қурган лаборатория қурилмасида бир неча марта дунёнинг етакчи экспертлари иш-тирокида синовдан ўтказилган ва жаҳоннинг кремний технологиялари бўйича етакчи ҳисобланган мамлакатларида патентланган.

Бу билан чекланмай, олинган маҳсулотлардан электрон қурилмалар ясаш йўналишида иш олиб борапмиз. Бунда электроникада ўта юқори тозаликдаги материаллар билан ишлашимизга тўғри келади. Демак, бу ишни қилганда, ушанга яраша шарт-шароит, инфратузилма зарур.

– Бунинг учун институтда шарт-шароит етарлими?

– Гап аввалида айтиб ўтганимдек, институти-мизда охириги йилларда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Асосий бино таъмирланганидан ташқари, махсус шароитлар, яъни электроника талабларига тўлиқ жавоб берадиган махсус хоналар қурилди. Бу ерда йил бўйи ҳаво ҳарорати бир хил ушланади: 20,5 даража иссиқ, Ҳавонинг намлиги ҳам бир хил даражада сақланади. Агар ҳаво қуриб кетса, ёзда намлантириб керакли даражага келтирилади

ёки тескарисини, қишда қуритилиди. Энг асосий-си, ҳавонинг таркибидаги чанглар каскадли филтёрлар ёрдамида кескин камайтирилади.

– Ҳотамжон Бахромович, ҳар бир фаннинг ўз мактаблари бор. Институтда қайси мактаб вакиллари фаолият олиб борапти.

– Ўтган вақт мобайнида муассасамизда бир неча илмий мактаб шаклланган. Фотоника йўналишида профессор Эркин Зоҳидов мактабида етишиб чиққан уч нафар фан доктори, ўндан ортиқ фалсафа докторлари фаолият юритади. Плазма технологиялари мактабида ҳам тўрт нафар фан доктори ҳамда ўндан ортиқ фалсафа докторлари ўз йўналишларида тадқиқотлар олиб боради. Марҳум академик Ўткир Расулев илмий мактабини ҳозирда шоғирди, профессор Дилшодбек Усмонов муваффақиятли давом эттирмоқда. Ўмиджон Халиловнинг компьютер моделлаштириш мактаби ҳам кўпплаб ёш иқтидорли тадқиқотчиларни жалб этиб келяпти.

Муҳими, бу мактаблар силсиласи давом этмоқда ва такомиллашиб бормоқда. Хўш, улар нега керак? Илмга янги қадам қўйган ёш олимлар ишни биринчи қадамдан эмас, келган жойидан давом эттириши ва янги натижаларга эришиши учун зарур. Шунинг учун ҳам тармоқлар бўйича алоҳида институтлар ташкил этиш тажрибаси бор.

– Ион-плазма ва лазер технологиялари соҳасининг келажаги ва режаларининг ҳам ўқувчиларимизни қизиқтиради.

– Ҳозир тараққиёт жудам тезлашиб кетди. Айнаикса, сунъий интеллект, квант компьютерлари ва бошқа йўналишлар кириб келиши билан ҳаётда бир неча йилда катта ўзгаришлар юз берапти. Бу нимага олиб келади? Демак, институти-миз олдида турган вазифаларни аниқ белгилаб олишимиз зарур.

2030 йилгача институтдаги инфраструкту-рамизни янгиллаб, асосий йўналишларимизни аниқлаб олишимиз керак. Бу қайсилар бўлиши мумкин? Бу – янги материалларни олиш ёки маълум материалларнинг янги хусусиятларини аниқлаш ҳамда улар ёрдамида янги асбоб-ускуна ва технологиялар яратишдан иборат.

Масалан, буни конкретлаштириб, ҳозирда электрониканинг ривожланишига қарайлик. Соҳанинг ривожланиши қизиқ бир босқичга келган. Ҳозирги пайтда янги чипларда 1.4 нанометрли технологиялар жорий қилинапти. Яқин йилларда технологиялар бир нанометр-гача ҳам тушиши мумкин. Ундан пастга тушишининг имконияти йўқ, чунки атом размерига бориб тақаламиз. Кейинги этап қайси томонга қараб ривожланади? Бир неча йўли бор.

Кейинги ривожланиш йўллари-дан бири янги ярим ўтказгич материалларини ишлаб чиқиш-дир. Шунинг учун биз ҳам кейинги ўн йилликка олдимизга қўйган масаламизда ярим ўтказгич-ли материаллар технологияларига, икки ўл-чамли материалларга ўтиб, бир атом қатлами қалинликдаги янги материаллар синфини ўз-лаштиришга киришимиз керак.

Ҳали жуда кўп ечилмаган масалалар бор. Агар ҳозир бошласак, ишлаб чиқаришда талаб шаклланишида, биз тайёр ечимларга эга бў-лишимиз мумкин. Ўшандагина баҳо илмий мар-каз сифатида дунёда ўз ўрнимизни топамиз.

– Домла, шундай мураккаб соҳани ўқувчиларга содда ва фойдали тарзда етказиб берганингиз – самимий сўхбат учун миннатдорлик билдираман.

Сўхбатдош:
Зарнигор ИБРОҲИМОВА

ТИББИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Бошланиши 1-саҳифада.

Аҳолига малакали тиббий ёрдам анча яқинлаштирилди, муурожаатларга тежкорлик билан жавоб берилмоқда. Илгари фақат пойтахтда бажариладиган юқори технологик диагностика ва даволаш усуллари ҳудудларда ҳам йўлга қўйилди.

Аммо Президентимиз ва халқимиз-нинг кўнглини тўлдирмаётган муаммолар ҳам бор. Масалан, Ўзбекистонда ҳар 10 минг аҳолига 27 нафар шифокор тўғри келади. Бу – АҚШ, Буюк Британия, Финляндия билан бир хил кўрсаткич. Гарчи, бу рақам ижобий ва юқори бўлса-да, аҳолининг тиббий хизматлардан қониқиш даражаси паст. Хўш, бунга нима сабаб бўлмоқда?

Аввало, муаммо кадрлар малакаси пастлиги ва замонавий билимларнинг етишмаслигиде кўринади. Эски усул-лар билан даволаш, нотўғри ташхис қўйиш ҳолатлари тиббиёт сифатига соя солмоқда. Кўпплаб муассасаларда-даги эскирган ёки етарли бўлмаган жиҳозлар ва диагностика ускуналари касалликни аниқлаш ва даволаш жа-раёнини мураккаблаштиради.

Баъзи ҳолларда тиббиёт ходимла-рининг беморга нисбатан эътиборсиз-лиги, мулоқот маданиятининг пастлиги ёки қабул жараёнидаги бюрократик тўсиқлар ҳам сифатга салбий таъсир кўрсатади. Соғлиқни сақлаш тизими

кўпроқ касалликни даволашга йўнал-тирилган бўлиб, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишлари етарли даражада эмас. Тез-тез учрай-диган коррупция ҳолатлари, беморлар-дан ноқонуний пул талаб қилиш каби салбий ҳодисалар ҳам одамларнинг тиббиётга ишончини сусайтиради.

Президентимиз томонидан таъкид-ланаётган бу муаммолар тизимда миқ-дор ва сифат кўрсаткичларига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини аңглата-ди. Амалга оширилаётган ислохотлар айнан шу йўналишда бўлиши керак. Айнаикса, шифокор ва ҳамшираларнинг доимий равишда ўз билим ва қўникма-ларини замонавий талаблар асосида янгиллаб боришини таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатишда бемор манфаатини устувор билиш, шаффофлик ва очик-ликка эришиш, профилактика ишлари-ни даволашни уddалайдиган замо-навий жамоани шакллантириш барча тиббиёт марказлари, вилоят, туман соғлиқни сақлаш бошқарма ва бўлим-ларининг биринчи навбатдаги вазифа-си бўлиши зарур. Қайси маҳаллада, туманда қандай касаллик кўпайган ёки

камайдиганини таҳлил қилиб, самарали даволаш бўйича аниқ режа билан иш-лаш, республика марказлари бундай таҳлил ва ёндашув билан ишни пастда ташкил қилиш, қимматбаҳо замонавий ускуналардан самарали фойдаланиш ҳар қачонгидан долзарбдир.

Шунингдек, тиббиётда халқнинг баҳосини эшитадиган тизим жорий қилиш кўн тартибиде турипти. Бемор-лар ёки уларнинг яқинлари ўз истак-хоҳишлари, арзи-додлари исталган манзилгача етиб борадиган шаффоф структура йўлга қўйилиши шарт. Ҳар бир шифокор, тиббиёт муассасаси но-мига миннатдорлик ёки нигоҳат ҳам эл назарида, жамоатчилик нигоҳида бўл-сагина соҳа ҳамда халқимиз соғлиги кафолатланган бўлади.

Эндиликда 26 та марказ директори, вилоят, туман соғлиқни сақлаш раҳбар-лари, оилавий поликлиника мудири-лари бир ойлик аниқ режа асосида иш-лашга ўтади. Уларни лавозимга қўйишда ҳам янги тартиб жорий қилинади. Тиббиёт муассасаларида раҳбар ва бош ши-фокор лавозимлари бир-биридан аж-ратилади. Раҳбарлар менежерликка ўқиган, яхши натижалар кўрсатган та-дбиркорлар орасидан тайинланади.

Рағбатлантириш тизими ҳам ўзга-ради. Энг намунали вилоят, туман со-лиқни сақлаш бўлимлари, оилавий по-ликлиника мудири-лари “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими” ун-вони, орден ва медаллар, 30 миллион

сўмдан пул мукофоти берилади. Улар раҳбарлик қилаётган муассаса инфра-тузилмасини яхшилашга 500 миллион сўмдан маблағ ажратилади. Ҳар бир вилоятдан энг яхши икки туманинг соғлиқни сақлаш бўлими раҳбари ва оилавий поликлиника мудири АҚШ, Германия, Буюк Британия, Корея, Тур-кия каби тиббиёти ривожланган мам-лакатларга менежерликка ўқиш учун юборилади.

Марказ шифокорлари ўз соҳасида энг оир туман ва маҳаллага бориб, касаллик сабабларини ўрганади, унга ечим беради, оилавий поликлиника ва тумандаги врачларни касалликни да-волашга ўргатади. Бундан буён вилоят ва туман соғлиқни сақлаш раҳбарлари-нинг кунлик қабули маҳаллада бўлади.

Келгуси ўқув йилидан тиббиёт олий-гоҳларининг бакалавр босқичида пе-диатрия ва даволаш йўналишларини ўз ичига олган умумий тиббиёт факультети очилади. Уларда оилавий шифо-корлик мутахассислиги бўйича рези-дентура ва магистратура ҳам йўлга қўйилади. Эндиликда оддий муолажа қиладиган эмас, ташхис, даволаш ва профилактикада шифокорга кўмачки бўладиган ҳамшираларни тайёрлаш-га ўтилади. Бунинг учун Ҳамширалар академияси Тошкент давлат тиббиёт университети тасарруфига ўтказилиб, негизида Олий касбий тиббиёт акаде-мияси ташкил қилинади.

Келгуси йилдан барча тиббиёт олий-



гоҳларида олий ҳамширалик иши йў-налишни очилади ва квота икки қарра, 2021 йилдан эса камиди 20 фоиздан ошириб борилади. Олий маълумотга эга, шифокор билан ёнма-ён туради-ган ҳамшираларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилади. Келгуси йилдан олий маълумотли ҳамшираларнинг маошига 100 фоиз устама берилади. Айна пайтда ўрта маълумотли ҳамши-раларни тайёрлаш тизими ҳам ўзгар-тирилади.

Тиббиёт ходимларининг малакаси-ни узлуксиз ошириб борадиган янги тизим бўлади. Келгуси йилдан малака оширишнинг масофавий, робот-симу-лятор, амалий, иш жойида мустақил тайёргарлик каби турлари йўлга қўйи-лади. Малака ошириш талаблари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган Узлуксиз кас-бий тиббиёт таълими маркази ташкил қилинади. Тиббиётда хусусий сектори

қўллаб-қувватлаш ва уларга қўшимча шароитларни яратиш билан давом эттирилади. Эндиликда натижадорлик, ташаббускорлик, халқ саломатлигини яхшилаш йўлидаги аниқ қадамларгина уларнинг фаолиятига баҳо берадиган асосий мезон бўлади. Бундай изчил чора-тадбирлар ҳар бир фуқаронинг соғлом ҳаёт кечирishi учун мустаҳкам пойдевор яратиб, нортимизнинг барқа-рор ривожланишига хизмат қилади.

Жамолiddин БАДАЛОВ



ХУШХАБАР БЕРГУВЧИ ВА ОГОҲЛАНТИРУВЧИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Юксак адабий санъат шаклланган шеърларида ҳам мушриклар “Бисмил-Лот вал-Уззо” дея бутларини зикр қилар, бутларни улуғлаш таълимотларининг асосини ташкил этарди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламга Қуръон нозил бўлар экан, мушриклар учун зотни ёлғонига, мажнунга чиқаради. “Қуръонни ўзи тўқиб олган”, дейишгача боради. Улар “Биз бир мажнун шоир учун ўз илоҳларимизни тарк этар эканмизми?” дея тавҳидга қарши чиқар, тавҳид калимасини айтганлар мушрик бутпарастлар томонидан мавжуд тузумга қарши деб топиладди. Қуръон тиловат қилинаётганда одамлар эшитмасин учун мушрикларнинг шовқин-сурон ва бақир-чақир қилиб туришини тасаввур қилинг. Улар яна Маккада Валид ибн ал-Муғира ёки Тоифда Урва ибн Маъсуд сингари одамларни назарда тутиб: “Бу Қуръон икки юртдан бир улуг кишига нозил қилиниши лозим эмасмиди?” дер эди. Ҳатто Абу Лаҳаб ва унинг хотини кечкурун у зотга озор-азият етказиш учун йўлларига тиканлар ташлашди.

Ислом байроғи юксала боргани сари Абу Жаҳл ва баъзи Курайш мушриклари томонидан Расуллуллоҳга ўз амакилари воситасида: “Хоҳласа, унга вазирлик берилик, фақат бизнинг бутларимизга қарши гапирмасин”, “Бир йил у бизнинг бутларимизга сизинсин, бир йил биз унинг Аллоҳига ибодат қилайлик”, дея турли таклифлар ҳам айтилади. Аллоҳнинг Расули, табиийки, уларга Аллоҳнинг билдирган рад жавобини беради.

Инсонлар манфаати учун ҳақ ўлароқ нозил қилинмиш табаррук Китобда: “**Ахир ақл юритмасизларми?**”, “**Ибрат олмайсизларми?**”, “**Сизлар нақадар оз фикр қилур-сизлар**”, “**Нечоғ оз насиҳат олур-сизлар!**”, “**Аллоҳ қилаётган амалларингиздан беҳабар эмасдир**”, “**Аллоҳ қилаётган амалларингизни ғоят қўлиб тургувчидир**” каби огоҳ этувчи фикрлар энг кўп такрорланиб келиши бежиз эмас. Лекин бу танбихлардан “**фақат ақл эгалари эслатма олурлар**”.

Қуръони Карим инсонларни тинч-тотув яшашга чақиради. Қуйидаги табаррук оятлар бунга мисолдир: “**Ер юзиди зинҳор фасод қилманглар!**”, “**Ер юзиди бузғунчилик қилманглар!**”, “**Ер юзиди бузғунчилик қилиб** (низолат чиқариб, тинчлик низомини бузиб) **юрманглар**”,



“**Бир-бирларингиз билан танишингизлар** (дўстлашиб, ёрдамлашингизлар) **дея сизларни халқлар ва қабилалар – элатлар қилиб қўйди**”, “**Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақланса, нажот ва саодатга эришганлар ана ўшалардир**”, “**Хар бир шахс ўз қилмишининг гаровидадир** (ўз қилган амалига боғлаб қўйилгандир)”, “**Аллоҳ адолат қилгувчиларни севар**”, “**Аллоҳ золимларни севмас**”, “**Аллоҳ ҳаддан ошгувчиларни севмас**”, “**Аллоҳ фасодни севмас**”, “**Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир**”, “**Кимки яхши бир ишга воситачи бўлса, ундан ўзига бир улуш (гуноҳ) бор**”, “**Ёмонликнинг жазоси ўзига тенг ёмонликдир**”.

Муқаддас Китоб бандаларни ҳамиша яхшиликка ундайди: “**Хайр ишларида мусобақа қилинглари!**”, “**Кимки чин дилдан бир яхши иш қилса, муҳаққақ, Аллоҳ Шокирдир – мукофотини бергувчидир**”, “**Аллоҳ яхшилик қилгувчиларни севар**”, “**Аллоҳ муҳсинларни – яхшилик қилгувчиларни севар**”, “**Ўзаро яхшилик ва эҳсонни унутманглар**”, “**Бундай (яхши) амал қилувчи зотларнинг мукофоти қандай гўзалдир**”, “**Ким тўғри йўлга келса, фақат ўзи учун тўғри йўлга келган бўлур**”, “**Тақво қилган зотларга “Раббингиз нимани нозил қилди?” дейилди. Улар: “Яхшиликни”, дедилар**”, “**Биз, албатта, амали гўзал бўлган кишининг мукофотини асло зоеъ қилмасмиз**”.

Қуръони Каримда ёзилишича: “**Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишига беҳисоб ризқ берур** (унинг мартаба-

сини баланд қилур)”, “**Ҳеч бир киши тоқатидан ортиқ нарсасида таклиф қилинмас**”, “**Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишининг** (ният ва амалларига кўра) **ризқини кенг қилур ва тор қилур**”. Бас, шундай экан, ношукур банда Аллоҳга хуш келмайди. Зеро, неъматнинг шукрини адо қилмоқ неъматдан ҳам улуғдир. Шу боис, қайта-қайта эслатма бериладики: “**Ношукурлик қилманглар**”, “**Шукр қилгувчиларни мукофотларимиз**”, “**Нақадар оз шукр қилурсизлар!**”, “**Биз ношукурдан бошқани жазоларимидик!**”, “**Биз унга (инсонга) тўғри йўлни кўрсатдик: хоҳ шукр қилгувчи, хоҳ онкур-ношукур бўлур**”. Аксинча, ҳар бир мушкулотга сабр қилмоқ – энг улуғ савоб. Чунки: “**Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир**”, “**Аллоҳ сабрли (ва саботли)ларни севар**”, “**Сабр қилмоғингиз сизлар учун яхшироқдир**”, “**Кимки сабр қилса ва (ёмонликни) кечирса, албатта, бу ҳимматли (хайрли) ишлардандир**”.

Ер юзиди токи тириклик, ҳаёт мавжуд экан, Яратгanning ўз бандаларини исрофдан сақлаиш ва инсофни сақлашга даъват этгучи хитоби ҳамиша долзарбдир: “**Ёнгллар, ичингллар, фақат исроф қилманглар. Чунки Аллоҳ исроф қилгувчиларни севмас**”, “**Ўлчовни тўлиқ ўлчанглр ва камайтиргувчилардан (бировнинг ҳақини егувчилардан) бўлманглр**”, “**Тўғри тарози билан тортинглар**”, “**Ўлчов ва тарозида ҳийла қилувчиларнинг ҳолига вой!**”, “**Инсонларга нарсаларини (ҳақларини) камайтириб берманглар**”.

Инсонни яратган, унга Қуръонни ўргатган, еру осмонни, жамики жонзот, ўт-ўлану дарахтларни бунёд этган, икки денгизни учраштириб, ораларига бир тўсиқ қўйган, дўзах ва жаннатни барпо этган улуг Раббимиз қудратига оид “**Раҳмон**” сурасидаги жами 78 оятнинг 31 оятида: “**Раббингизнинг қайси неъматларини ёлгон дея олурсизлар?**” деган савол ажиб фасоҳат билан такрорланиб келади.

Муқаддас Китобда “Тағобун” сураси бор. Тағобун куни – айбу қусурга йўл қўйган инсон охирада ўз гуноҳларини кўриб, бу дунёда алданганини тан оладиган кундир. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу вафотларидан олдин: “Раббимнинг азобидан эмас, Унга маҳжуб (хижолат) ҳолда боришдан қўрқаман”, деган эканлар. “Қоф” сураси мазмунига кўра, жаҳаннамнинг бағри кенг. “**У кун жаҳан-**

намга: “Тўлдингми?” дермиз. У: “Яна қўшимча борми?” дер” (30-оят).

Аллоҳ ҳузурида энг оғир гуноҳлардан бири бандасининг кибрга, манманликка берилмоғидир. Бир вақтлар Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломдан кейин Тавротни энг яхши билган шахс афсонавий бойликка эга Қорун эди. “Қасас” сурасида маълум қилинишича, Аллоҳ таоло томонидан унга шундай хазиналар берилган эдики, унинг қалитларини кўтариб юришнинг ўзиёқ бақувват жамоага оғирлик қиларди. “Бу бойлик менга фақат ўзимдаги илм туфайли берилди”, дея кериларди Қорун. Оқибат, уни бутун мулки билан қўшиб ер ютди. Араб шоири Ҳофиз Иброҳимнинг: “**Гўзал ахлоқ билан зийнатланмаган илм ўз эгасини пастга отадиган улов ҳайвони кабидир**”, деган мазмундаги байтлари кибр бандаларига мос ва мувофиқдир.

“Мутаффибийн” сурасида баён этилишича, Аллоҳнинг амридан чиққанларнинг китоби бор, у Сижжийн деб аталади. Унга ёмон амаллар битиб борилади. Яхшиларнинг китоби эса Иллийондир. Ҳар банда яхшиликни шиор билса, “Ҳашр” сурасидаги “**уларнинг қалблари тарқоқдир**” сифатидан йироқ бўлса, амаллари Иллийон саҳифаларини бебаб турса, аслида, яшамокдан бош мақсад шу эмасми?

Қуръони Карим – буюк ҳикматдир. “Бақара” сурасининг 269-оятнда ёзилганидек: “**Кимгаки ҳикмат насиб этган бўлса, муҳаққақ, унга кўп яхшилик берилибди**”, “**Агар билмасангизлар, зикр аҳлидан (муттақий ва динда собитқадам бўлган олимлардан) сўранглр**” (*Анбиё сураси 7-оят*), дея эслатма берилади Китобда.

“Анворул-Қуръон: Файзул-Фурқон” китоби 2024 йили “Ирфоннашр” нашриётида чоп этилган. Таржимон ҳамда қўшимча изоҳлар муаллифи заҳматкаш олим, закий адиб Мирзо Кенжабеқдир. Китобнинг ўзбек тилидаги мазкур еттинчи таржимаси хурматли устозимизнинг 23 йиллик машаққатли меҳнатлари самарасидир. Изоҳдан маълум бўлишича, таржима ишлари 2009 йилда ниҳоясига етган бўлса-да, унинг сўнгги таҳрири 2021 йили тугалланган. Якунига етган таржима устида яна уч йил таҳир ишлари олиб борилгани ҳам таржимоннинг ишга ғоят юксак масъулият билан ёндашганидан далолат беради.

Икром ИСКАНДАР

13 НОЯБРЬ – УСМОН НОСИР ТУФИЛГАН КУН



Усмон НОСИР

НИЛ ВА РИМ

(Тарих китобидан)

I
Лампам ёнур... Яраланган қанотдек оғир ўй босади. Юрагимда гўё сел ёғир. Қийналаман. Тиришаман. Хушим паришон, Ўтмиш, ҳозир ва келажак кўринур – ҳар он. Тиришаман, бутун кучим кўзимга келар; Чирогимга парвонадек уринар йиллар,— Тўрт атрофим тўлиб кетар қуйган қанотга... Хаёлимда: катта саҳро, мен миниб отга – Шамолдан тез, булутлардан енгил чопаман; Куйиб тушган ҳар қанотдан бир жон топаман. Термиламан ўлик кўзга (нега кўрқайми?). Барчасидан ўйиб олиб кўзининг ойин – Термиламан: қичқиради йиллар, одамлар, Эшитилар менга улар босган қадамлар...

II
Сариқ қумлар орасидан қон рангли қуёш – Кўтарилар. Нил оқадир – қуллар тўккан ёш. Фарёдларга чидолмайди ер билан осмон. Ро қаерда? Азириса? Қийнайди Тифон! Кимга йиғлаб, кимдан мадад кутсин бемор қул? Эрки кулфат, ҳаёти кулф; бор худолар кулф! Косасида сув йўқ, қуруқ халтаси: нон йўқ! Ботаётган қуёш каби рангида қон йўқ. Кўзида кўз йўқ, белида бел йўқ, ҳайхот! Фиръавн уни чумолидай эзади: вой дод!.. Фиръавннинг ҳукми қаттиқ, Фиръавн хўжайин, Худоларга у манзурдир, ҳаёти тайин. Неки қилса, ўзи билур, ўзи ҳукмрон, Миср буйлаб Нил оқадур – “қуллар тўккан қон!”

III
То Минисдан Рамзесгача, Рамзесдан нари “Малика қиз” Клеопатра ҳукмрон даври. Ундан тортиб... яна узоқ, яна кўп йиллар Харсанг билан ётқизилган неча минг диллар. Кўзёшидан, дил тошидан қурилган ҳайкал Мағрур турар, мағрур боқар; ҳеч бирон маҳал На одамдан, на замондан кўрқмас асти у. Ҳазабини ютиб ўлган қуллар дасти бу! Қуллар... (Менман у қулларнинг ўлмас авлоди, Мана менман, у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди. Мана менман, фалакларга лов-лов ўт қўйиб. Оталаримнинг бошидан пойдевор ўйиб, Озодлигим обидасин қурган инсонман! Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман!)

IV
Отим учар (хаёлимда) олдинга доим, Аввал баҳор осмонидек йиғлар гадо Рим. Эмчагида бир томизмиз сути йўқ она Гўдагини тош остига бостирди, ана! Ўлим яхши, одам агар, шундай хор бўлса! Бир парча нон нима ўзи? Шунга зор бўлса! Наҳот, чақмоқ ёндирмайди бутун очунни? Қул гардидай умр – тоғдай кулфат учунми? Жавоб бергин менга, заки қадимги Хомер, Кўзёши-ю, қонга ростдан ташнами бу ер? Қўй, яхши чол! Кўнглим тўлди, гаплашмасиз сўнг, Бу нимаси? Эшитасанми, оғир, ҳазин мунг? Ҳамон йиғлар яланғоч Рим, ҳамон дил эзар, Ҳамон тилла қадаҳда қон ичар Цезар!

V
Рим устида шамсиядек туманли осмон, Катта циркка сизишмасдан қайнар оломон: “Одам билан ҳайвон ўйин кўрсатар эмиш...” (Бундай қилиқ бизнинг учун қандайин эриш!..) Тишларини иржайтириб бўқирган йўлбарс. Тўрт тарафга ташланади, талпиниб ларс-ларс. Оч кўзлари қонга тўлган, сакраб ўйнайди... О, бечора, қоч! У сени тирик қўймайди! Ана! Ана, тирноғини нишлаб келар у. Чангал солди! Халқ ўрнидан бирдан турди дув... Чапак чалди. “Эй, аҳмоқ Рим, севинма қонга! Бундан бошқа хўрлик борми, ахир, инсонга?” – Деди, парча-парча бўлган гладиатор. Рим – ўйиндан ўлим кутган жинни театр!

VI
Иссиқ излар... ҳамон у исёндан ис бордак, Булутларнинг орасида юрар Спартак, Осмон – қалқон, камон ёйи – чақмоқ, ёнар ўт, Зулм учун йиғи, фиғон ва эрксизлик суд. Жавоб берсин. Афлотунми, Вергилийми, ё – Бошқа бири, қани ким? Ким мард? Ким гувоҳ? Ки, тун қанча қора бўлса, ой шунча ёруғ! Спартакнинг лашкарлари ҳали ҳам борур. Мана менман, у исёнинг ўлмас авлоди. Мана менман, у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди. Мана менман, фалакларга лов-лов ўт қўйиб, Оталаримнинг бошидан пойдевор ўйиб, Келажгим обидасин қурган инсонман! Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман!!!

1935 йил.

ЖАДИДШУНОСЛИК

Бугун дунё тез ўзгарапти. Бироқ ҳар қандай янгилик, ҳар қандай тараққий асосида битта қадрият – билим ва маърифат туради. Китоб эса шу қадриятнинг ҳаммаша суянса бўладиган энг ишончли устуни, таянчи. Бу жараёнда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳаси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Лойиҳа доирасида чоп этилган илмий-оммабоп адабиётлардан бири “Мусулмон маданияти ислохоти сиёсати: Марказий Осиёда жадидчилик” асаридир.

Асар муаллифи – америкалик тарихчи олим Адиб Холид. Чикаго университетида PhD даражасини олган, Миннесотадаги Карлетон коллежи, Висконсин-Мэдисон университети каби кўплаб таълим муассасаларида Осиё тадқиқотлари ва тарихи бўйича профессор сифатида фаолият юритган.

“Марказий Осиёда жадидчилик” китоби илк бор 1998 йили чоп этилиб, жаҳон илм аҳлининг эътиборини қозонади. Кейинчалик инглиз, турк, рус ва бошқа тилларга таржима қилиниб, бугунги кунда дунё университетларида Марказий Осиё маърифатпарварлик ҳаракатлари бўйича асосий манба сифатида ўқитилмоқда. Қувонарлиси, энди бу асарни она тилимизда ўқиш имконига эгамиз. Китоб ёзувчи Шарифжон Аҳмад таржимасида “Академнашр” томонидан ўзбек китобхоналарига тақдим этилди.

Шарифжон Аҳмад номи китобхоналарга жуда яхши таниш – “Бир тушнинг эврилишлари” асари муаллифи; жаҳон адабиётидан кўплаб ноёб асарлар таржимони. Хусусан, “Мушуклар маликаси

ЯНГИ АСАР, ЯНГИ ТАСАВВУР

Минуш (Анна Шмидт), “Ал-Мухтасимга яқинлашув” ҳикоялар тўплами (Хорхе Луис Борхес), “Жон” романи (Андрей Платонов), “Аргентинанинг биринчи рақамли адиби” Хулио Кортасар, ливанли Халил Жўброн, мексикалик Карлос Фуэнтес асарларини она тилимизга муваффақиятли ўгирган.


Таржимон суҳбатларидан бирида шундай деганди: “Бугун мана бу асарни таржима қилишга киришаман, деб дарров қарор қилиш билан иш битмайди. Сизнинг маданий ҳудудингиздан бошқа ҳудудда қалам тебратган ёки тебратаётган, эҳқияти мутлақо бошқа адибнинг олами барибир сизга бегона дунёдир”. Бироқ “Марказий Осиёда жадидчилик” таржимонга зинҳор бегона эмас. Чунки ёзувчи бу олам чуқурликларига шўнғиб ўсган. Шу боис Адиб Холиднинг мураккаб илмий мулоҳазалари таржимада бор бўйича пайқалади, асар инглиз тилидан ўғирилгандек эмас, ўз тилимизда ёзилгандек тасаввур беради.

“Совет тарихнавислиги жадидларнинг номини очиклашдан кўра хаспўшлаши афзал билди, – дейди муаллиф. – Кўплаб исмлар (Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат) тарих дарсликларидан шунчаки ўчириб ташланди, бошқалари учун эса (Ҳамза, Авлоний, Қодирий) мафжурага мос таржimai ҳоллар ўйлаб топилди. Марказий Осиёнинг яқин ўтмишига доир номалум қолаётган жиҳатларни шу тарзда қайта кашф қилишга тўғри келади. Ушбу китобнинг

бош мақсади ҳам шу”.

Асар тузилиш жиҳатидан ўринли тартибланиб, жадид ҳаракатининг тарихий, ижтимоий ва маънавий қирралари қадамма-қадам ёритилади. Шу тарихка, китоб “XIX асрда маърифат ва жамият”, “Колониал жамият барпоси”, “Жадидчилик сарчашмаси”, “Панд-насиҳатлар сиёсати”, “Таълим – ҳалос”, “Миллат тасаввури”, “Миллатга етакчилик”, “1917: Тугунлар ечилажак замон” каби бобларни ўз ичига олади. Америкалик атоқли антрополог ва исломшунос, “Яқин Шарқ ва Марказий Осиё” китоби муаллифи Дейл Эйкелман ёзганидек: “Бошқа олимлар ҳам жадидлик ҳаракатини тадқиқ қилган, аммо ҳеч ким бу тадқиқотга Адиб Холид каби илмий ва ижтимоий тарих нуқтаи назаридан контекстли ёндашмаган”.

Муаллиф асар устидаги изланишларида, хусусан, Тошкентнинг тарихий ва маънавий муҳитини илмий таҳлил марказига қўяди. Асар айни ҳолга келгунига қадар у турли тиллардаги ўнлаб даврий нашр ҳамда юзлаб илмий ва адабий манбаларга мурожаат этади. Туркистон тарихи билан боғлиқ архив ҳужжатлари, матбуот материаллари ва замонавий тадқиқотларни қиёсий ўрганиб, жадидлик ҳаракатининг илмий асосланган, китобхон кўз ўнгида тарихий жиҳатдан тўлиқ тасвирини гавдалантиради. Шу жиҳатдан, ушбу асарни архивлар, матбуот ва давр руҳи асосида қайта тикланган маъна-



вий жараён, десак адашмаймиз.

Ушбу муҳим китоб таржимасига қўл урилишининг ўзиёқ, аслида, тарихимиз ва маънавий меросимизга бўлган муносабатимизни билдиради. Асарда илгари сурилган фикрлар ҳам бугунги ислохотлар ва маънавий уйғониш руҳига ҳамнафас, ҳамоҳанг. Ушбу хайрли ташаббус жадидлар ҳақидаги илмий ёндашганидан асосланган, яна бир поғона юқори кўтариши, шубҳасиз. Президентимиз таъкидлаганидек: “Биз халқаро илмий марказлар, дунё олимлари билан ҳамкорликда жадидлар фаолиятини янада чуқур ўрганишни долзарб вазифа деб ҳисоблаймиз. Бу ноёб мерос орқали бугунги кунда инсониятни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топа оламиз. Бу бебаҳо бойлиқни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”. Ишонамиз, “Марказий Осиёда жадидчилик” китоби ёшларни ана шу англовларга тезроқ элтади.

Акмал ЖУМАМУРОДОВ

Бошланиши 1-саҳифада.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Президентни Шавкат Мирзиёевнинг рақамли ахборот технологиялари ва сунъий интеллект(СИ)ни ривожлантиришга доир ташаббуслари технологик сиёсатнинг янги босқичи, миллий онг, маданият ва маънавиятнинг ҳимоя қилишнинг илмий-фалсафий стратегияси сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Аслида, СИга инсон онгини амаллаштирувчи сифатида эмас, уни кенгайтирувчи, тизимлаштирувчи ва қайта дастурловчи восита сифатида қарашимиз зарур. Фалсафий нуктаи назардан, сунъий интеллект – инсоннинг ўзини англаш жараёнининг янги босқичи. У инсон онгининг ташқи моделлашуви ҳамдир. Лекин бу жараён ахлоқий, маънавий ва миллий ўлчамларга ҳам эга.

Агар СИ алгоритмлар орқалигина ишласа, у нейтрал эмас; чунки ҳар бир алгоритм маълум маданият, тил, қадриятлар билан тузилади. Шунинг учун ҳам бугун миллий ахборот маконида СИни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш маданий суверенитетни таъминлаш ҳаракати, дейиш тўғрироқ.

Ахборот глобаллашган даврда тил маданий ҳимоя қалқони ҳамдир. Миллий тил рақамли муҳитда фаол бўлмаса, у аста-секинлик билан ахборот жараёнларидан сиқиб чиқарилади. Миллий тилни рақамли муҳитга жорий этиш, ахборот тизимларининг ўзбек тили асосида ишлашини таъминлаш каби йўналишлардаги ишхотлар айнан шу хавфни бартараф этишга қаратилган. Бу жараён фақат лингвистик эмас, фалсафий жараён ҳамдир. Чунки тил онгининг шакли. Миллий тил рақамли муҳитда фаол бўлса, миллий онг ҳам рақамли оламда яшайди. Агар тил суст бўлса, миллат онги ҳам шундай бўлиб қолади.

Ахборот асрида инсоният учун энг катта таҳдид манипуляция қилинган маълумотдир. Бугунги дунёда ёлғон ҳақиқатдан тезроқ тарқалмоқда. Шунинг учун ахборот истеъмоли маданиятнинг шакллантириш муҳими. Бу жараён тўғрисида ахборот манипуляциясига қарши иммунитет ҳосил бўлади. Миллий тил рақамли ҳаётга мослашади. Миллий маданият рақамли шаклда яшай бошлайди. Ўнг муҳими, инсон онги сунъий онг билан ҳамкорликда янги “онг цивилизацияси”га қадам қўяди.

МАФКУРАВИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ ВА АХЛОҚ ТАНАЗЗУЛИ

Мафкуравий глобаллашув – бу замонавий даврда миллий қадриятлар ва маданиятлар ўртасидаги мувозанатни бузувчи янги жараёндир. У ташқи таъсир орқали халқларнинг урф-одатлари, тили ва дунёқарашини бир хил қилишга солишга интилади. Агар илгари мустамлакачилик иқтисодий ёки сиёсий ҳаракатда бўлган бўлса, бугунги кунда у ахборот ва ғоялар майдонида кечмоқда. Бу жараён миллий онгни кучсизлантириб, шахснинг ўз маданиятидан узоқлашишига сабаб бўлади.

Миллий тил, маданият ва урф-одатлар инсоннинг маънавий иден



“Шавкати инсон эрур илму адаб, Ўзтибор этмас анга наслу насаб.

Абдулла АВЛОННИЙ

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ТРАМП АҲОЛИГА ПУЛ ТАРҚАТМОҚЧИ

Америка президенти Дональд Трамп мамлакат аҳолисига камида 2000 доллардан пул тарқатиши ҳақида гапирди. У божлардан тушадиган пулни америкаликлар ўртасида тенг тақсимламоқчи.

“Тарихларга қарши одамлар – аҳмоқлар. Биз ҳозир дунёдаги энг бой ва ҳурматга сазовор давлатмиз. Инфляция деярли нолга тенг, фонд бозорида рекордлар. Биз триллион долларлаб фойда оламиз ва тез орада 37 триллионлик давлат қарзини тўлашни бошлаймиз. АҚШга рекорд миқдорда инвестиция киритилмоқда, ҳамма ерда

завод, фабрикалар қуриляпти. Даромади юқори одамлардан ташқари ҳаммага 2000 доллардан кам бўлмаган дивиденд тўланади”, деб ёзди Трамп.

13 СОАТЛИК ИШ КУНИ

Греция ҳукумати хусусий секторда иш сменаларини кунига 13 соатгача узайтириш имконини берувчи янги қонун қабул қилди. Бу ҳақда “The Independent” хабар берди.

Ҳукумат мазкур қарорни мослашувчанлик ва ривожланиш деб талқин қилмоқда. Қонун расмий равишда ихтиёрий ва адолатли тўлов асосида деб кўрсатилган бўлса-да, у амалда классик саккиз соатлик иш

кунини бекор қилади. Аҳоли орасида ўтказилган сўровлар грек ишчилари бу ўзгаришга кескин қарши эканини кўрсатмоқда.

ХАВФЛИ РОБОТЛАР

Буюк Британия ва АҚШ олимлари сунъий интеллект (СИ)га асосланган роботлар борасида тадқиқот олиб борди. Натижаларга кўра, СИ билан ишлайдиган роботлар кундалик ҳаётда одамларнинг шахсий фойдаланиши учун хавфли деб топилди. Бу ҳақда “Euronews” хабар берди.

Тадқиқот натижалари “International Journal of Social Robots” журналыда эълон қилинган. Унда олимлар СИ роботлар

одамларнинг шахсий маълумотларига, жумладан, уларнинг ирқи, жинси, ногиронлик ҳолати, миллати ва дини ҳақида ахборотга эга бўлганда ўзини қандай тутишини баҳолаган.

2352 ЙИЛЛИК ҚАМОҚ

Истанбулнинг собиқ мэри Ахром Имомўгли 142 та коррупция жиноятда айбланди. Унга 828 йилдан 2352 йилгача қамоқ жазоси таҳдид солмоқда. Бу ҳақда “BBC” хабар берди.

Имомўгли президент Ражаб Тойиб Эрдоғоннинг асосий сиёсий рақиби сифатида танилган. У март ойидан бери коррупцияда

гумонланиб, тергов изоляторида сақланмоқда.

ОДАМЛАР АБАДИЙ ЯШАШИ МУМКИН

Тадбиркор Илон Маскнинг айтишича, атиги 20 йил ичида инсонлар ўз онглари роботларга ўтказиш орқали хотира ва шахсиятини сунъий танага кўчириш имконига эга бўлиши мумкин. Бу ҳақда у “Lex Fridman” подкастида гапирди.

Маск бундай технология инсониятни “рақамли абадийликка” яқинлаштириши мумкинлигини таъкидлаган.

ОНГ ВА РАҚАМЛИ ҒОЯ



назарда тутилган медиа марказлар сони оширилиши шарт. Виртуал таҳдидларга қарши самарали кураш техник чоралар билан ҳам чекланиб қолмаслиги керак. Бу йўналишда социологик, психологик ва ахборот таҳлиллари асосида илмий ишланмаларга суянган тизимли ёндашув зарур. Негаки, инсон онгини манипуляция қилиш усуллари, ёшлар онгига таъсир этувчи трендлар ва ахборот муҳитининг эмоционал муҳити мунтазам ўрганиб боришни талаб қилади. Бу ўрганишлар асосида эса маънавий профилактика дастурлари, мотивацион контент ва таълимга оид янги-дан-янги лойиҳалар ишлаб чиқилади. Ана шунда виртуал оламда доминантлик қилаётган тил ёки маданият ёшлар онги устидан ҳукмронлик қилолмайди, чунки бу ҳолатда миллий тилимиз ва миллий маданиятимизнинг ўзи бу оламнинг доминантларидан бирига айланади. Фақат шундагина биз рақамли асрда сунъий идрок устидан инсон онгининг устуворлигини сақлаб қолишимиз мумкин бўлади.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МАЪНАВИЙ ДРАЙВЕРИ

XXI асрга келиб сунъий интеллект (СИ) инсоният тараққиётининг стратегик омилларидан бирига айланди. У иқтисодий самара берувчи восита, инсон онгини кенгайтирувчи илмий ва маънавий жараён ҳамдир. Жаҳон иқтисодиётида СИ индустриясининг улуши 2030 йилга бориб 20 триллион доллардан ошиши кутилмоқда. Бу рақам фақат иқтисодий ўсиш баробарида интеллектуал ресурсларнинг янгилаш шаклида моддийлашувини ҳам ифода этади.

Ўзбекистон ҳам бу жараёндан четда қолаётгани йўқ. 2024 йили Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан СИ технологияларини иқтисодиётнинг барча тармоқларига жорий этиш, миллий маълумотлар базасини яратиш ва очик маълумотлар экоти-зимини ривожлантириш, миллий ахборот хавфсизлиги ва ахлоқий меъёрларни таъминлаш, инновацион кадрлар тайёрлаш ва таълим тизими рақамли асосда қайта қуришни мақсад қилган “Сунъий интеллектни 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси” қабул қилинган. Бу ҳужжат мамлакатда СИ соҳасини ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг асосий пойдеворини яратмоқда.

Бу йўналишда Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида СИ бўйича махсус марказ ташкил этилди. Қисқа вақт ичида 30 дан зиёд пилот лойиҳалар амалга оширилди. Давлат хизматларида “ақли ёрдамчи” тизимлари ишга туширилди, банк ва сўғурта тизимларида СИ асосида хавф таҳлили амалга оширила бошлади, транспорт ва шаҳар бошқарувида “ақли шаҳар” моделилари жорий этилди. Натижада, Ўзбекистон 2024 йил якунларига кўра СИга тайёргарлик бўйича халқаро индексда 17 поғона юқорилаб, Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллади.

Бу натижаларнинг замирида техник модернизация билан бирга маънавий парадигма ҳам ётади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Сунъий интеллект дастурлари самарали ишлаши учун улар аввало ўзбек



Ҳабибулло САДИБАҚОШЕВ,
Ўзбекистон халқаро
исломшунослик академиясининг
Ёшлар масалалари ва
маънавий-маърифий ишлар
бўйича биринчи проректори,
сиёсий фанлар
доктори

тили ва маданиятини тушуниши керак”.

СИ ривожининг марказида инсон туриши лозим. Агар сунъий интеллект миллий ахлоқ ва маданият асосида бошқарилса, у фақат техник ёрдамчи эмас, балки маърифий тараққиёт воситасига айланади. Бу Янги Ўзбекистоннинг “технология инсони эмас, инсон технологияни бошқариши керак”, деган тамойилни илгари сураётган фалсафий дастуридир.

Шу нуктаи назардан, СИ ва ахлоқ муносабатини “ақл ва виждон синтези” сифатида талқин қилиш мумкин. Технология илмни тезлаштирса, ахлоқ уни тўғри йўналтиради. Фақат шундагина янги цивилизация – маърифат ва маънавиятга асосланган рақамли ҷамият вужудга келади.

Мавзу юзасидан хулоса қилиб айтганда, ахборот асри инсон онги, ахлоқ ва маънавиятини синовдан ўтказётган даврга айланди. Бу синовда инсон ўз онги ва виждон билан ҳам беллашмоқда. Айнаи замонда виртуал муҳитнинг таъсири кишиларга, айниқса ёшларга нисбатан шунчалик кучайдики, у энди ҳаётнинг қўшимча қисми эмас, онгининг бир қисмига айланиб бормоқда. Шу сабабли, ҷамият олдидаги асосий вазифа – технологияни инсон руҳига бўйсундириш, ахборотни маърифат воситасига айлантириш бўлиб қолади.

Мақолада қайта-қайта таъкидлаганимиздек, “виртуал таҳдид”га қарши туриш киберхавфсизлик ёки ахборот назорати масаласи бўлиш билан бирга инсон онгини, ахлоқ ва миллий қадриятларини муҳофаза қилиш муаммоси ҳамдир. Бу таҳдиднинг илдизи инсоннинг ўз фикри устидан назоратни йўқотишида. Унинг самарали ечими эса – ахборотни тақиқлаш эмас, аксинча, уни тўғри англаш, таҳлил қилиш ва маънавий назорат орқали бошқаришдир.

Шу нуктаи назардан, замонавий ҷамиятнинг асосий стратегик вазифаси ахборот маданиятини шакллантириш, миллий ғояни рақамли форматда ифода этиш ва сунъий идрокни инсон ахлоқи билан уйғунлаштиришдан иборат. Ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш, уларга техник билим бериш қаторида маънавий иммунитетни мустаҳкамлашдир.

Негаки, ахборот маданияти ёшларнинг руҳий барқарорлигини, фикр мустақиллигини ва ахлоқий қарор қабул қилиш қобилиятини таъминлайди.

Фалсафий жиҳатдан олиб қараганда, XXI асрдаги энг катта инқилоб – бу илм ва ахлоқнинг қайта уйғунлашуви бўлиб қолди. Илм инсонга қудрат беради, ахлоқ эса йўналиш. Ахлоқсиз илм хавфли, илмсиз ахлоқ эса кучсиз. Шунинг учун Янги Ўзбекистон фалсафаси илмни ахлоқ билан, технологияни маърифат билан, сунъий идрокни виждон билан уйғунлаштиришдир.



ОЙДИНЛАР

СЕРҚИРРА ИСТЕЪДОД

Бугун Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида таниқли адабиётшунос олим ва таржимон, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби, филология фанлари номзоди, профессор Эргаш Очиллов таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан “Филологиянинг долзарб масалалари” мавзусида республика илмий-назарий конференцияси ўтказилмоқда.

Шогирдмисан – шогирд! Дарвоқе, устозлар ҳақида шогирдлар ёзишга кўнлик-канмиз-у, тескарисини жуда кам учратамиз. Бироқ...

Яқинда бир укамиз профессор илмий унвонини олди. Кўп танишлар каминани табрикклади ҳам, баъзилар “айб”имизни юзимизга солди ҳам: “Шогирдингиз сиздан олдин профессор бўлибди, юрaverасизми?” деди-да. Биз ҳам гап ейдиганлар тоифасидан эмасмиз-ку: “Ўғли ўзидан олдин фан доктори бўлганига “чидгани” одам бу-нисига ҳам “чидайди”, ҳеч хавотир олманг”, дедим.

Зуллисонайлиқ. Шогирдимиз 1965 йилнинг 15 ноябрь куни Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги икки тилли қишлоқда туғилиб ўсган. Бу маконнинг “Янгиқишлоқ” деб номланиши ҳам беҳиз эмас. У ерга атроф теварақдаги ўзбек ва тожик қишлоқларидан халқ кейинчалик кўчиб келиб, ўрнашган. Болалиқдан икки тилни баравар билиб ўсгани кейинчалик унинг ижодида ўзақ йўналишни белгилаб берди.

Собит йўл. Уни талабалик йиллари таниганман. Бунга ҳам, қаранг, 51 йил бўлибди. Бу орада ТошДўнинг журналистика факультети кечки бўлимини имтиёзли диплом билан битирди. Ўқиш даврида ва ундан кейин ҳам бир мuddат Тошкент шаҳридаги “Тошкитоб” савдо идорасида экспедитор бўлиб ишлади. Ўша йиллари ўз маъносидан китобларга кўмилиб-бурканиб яшади. Қўлига тушган китобни ўқиди ўзи ҳам.

Форс-тожик тилидаги рубоийларнинг ўзбекча таржималари таҳлилига бағишланган диплом иши ёзиб, ёқлади. Кейин бу тадқиқотини давом эттириб, 1994 йили каминанинг илмий раҳбарлиги ва устозим Нажмиддин Комиловнинг илмий маслаҳатчиликларида “Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1992 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида хизмат қилиб келмоқда. 2025 йилдан XX аср “Ўзбек адабиёти ва ҳозирги адабий жараён” бўлимига му-дирлик қияпти.

Муҳаррирлик. Камина 1980–1984 йиллари “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали масъул котибининг ёрдамчиси бўлиб ишлаганман. Журнал материаллари инсти-тутда тайёрланар, лекин тахир ишларини “Фан” нашриётининг махсус катта муҳарри-ри амалга оширар эди. 2000 йилдан буён бу укамиз – шу журналнинг масъул котиби. Ёрдамчиси йўқ. Тахир ишлари ҳам ўзи-нинг зиммасида. Ҳолбуки, тахир – алоҳи-да иш. У, очиги, ҳамма қаламкашнинг ҳам қўлидан келавермайди. Яна бир кишининг бўйнига бир йилда 6 та сон чиқариш масъу-лияти юкланган. Инжик-инжик муаллифлар билан ишлашнинг ўзини айтинг.

Муаллимлик. Бир донишманд: “Ё олим, ё муаллим, ё сомёе бўл!” деган экан. Олим муайян масалани тадқиқ этиб, илмий ху-лосалар чиқаради. Муаллим мавжуд би-лимларни ёшларга дарс орқали еткази-ди. “Сомёе” сўзи “эшитувчи”, “тингловчи”, яна ҳам аниқлаштирилса, “талаба”, “шогирд” маъносини ифодалайди.

Укамиз – ҳам олим, ҳам муаллим. 2004 йилдан буён ўриндошлик асосида Тошкент давлат шарқшунослик университети ма-гистрантлари ва талабаларига таржима-шунослик йўналишидаги фанлардан дарс бериб келади.

Диапозон. У ёзган, таржима қилган ва нашрга тайёрлаган китобларнинг умумий адади – 147 та. Улар қаламкаш уйидаги

китоб жавонларининг бирини лиқ тўлдириб турибди. Туркий ва форсий халқлар мумтоз адабиёти, адабий алоқа ва бадиий таржи-ма масалалари билан шуғулланади. Рус, форс, тожик, дарий, туркман, озарбайжон, татар, қорақалпоқ тилларидан шеър-ий ва насрий таржималар қилади. 500 дан ор-тиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолала-ри чоп этилган. 20 та монографияси нашр қилинди. Шунингдек, 50 дан зиёд мақола ва тезиси Россия, Эрон, Туркия, Ҳиндис-тон, Озарбайжон, Туркменистон, Қозогис-тон, Қирғизистон, Тожикистондаги нуфузли нашрларда босилган.

Ноширлик. “Ношир” сўзини кўпроқ тор маънода, яъни “нашриёт ходими” сифати-да ишлатамиз. Хўш, ўтмишда яратилган мумтоз асарларни замонавий алифбода нашрга тайёрлашга ихтисослашган мута-хассисни ким деб атаймиз? У ҳам ношир, яъни нашрга тайёрловчи. Бу мумтоз ада-биёт тарихи мутахассисларининг ҳаммаси-га ҳам насиб этавермайди. У 77 тўпламни нашрга тайёрлаган.

Чоп этилаётган 200 жилдлик “Ўзбек ада-биёти хазинасидан” туркуми учун Адиб Аҳ-мад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойик” досто-нини ўзбек тилига табдил қилди, Саккокий, Ғарибий, Шоҳий, Убайдий, Аваз, Увайсий, Дилшод, Анбар Отин девонларини нашрга тайёрлади, “Форсийзабон ўзбек шоирлари” жилдини таржима қилди.

Таржимонлик шарафи. Асли, у шоир эди. Уни илм сари бурдик. Шоирлиги тар-жимонликка айланди. Чунки кунт билан форс-тожик тили ва бу тилдаги адабиётни пухта ўрганди. Аввал форсийдан туркийга шеър-ий таржималар хусусиятлари, қону-ниятлари, тамойилларини илман ўрганган бўлса, кейин ўзи ҳам бевосита таржимага қўл урди. Қўл урганда ҳам, катта матонат, меҳнат-машаққатни бўйнига олган ҳолда бу ишга киришди. Кейин бошқа туркий тиллар-да ижод қилган мумтоз шоирлар асарлари-ни ҳам ўғирди.

Бугун галвирни сувдан кўтарсак, унинг таржималари босилган китоблар сони 40

дан ошади: Муллонафас, Абдурахмон Жо-мий, Умар Хайём, Махтумқули, Саъдий Шерозий, Адиб Аҳмад Югнакий, Жало-лиддин Румий, Абдулхалиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд китоблари ва “Аф-ғонистон халқлари оғзаки шеър-иятидан намуналар” шулар жумласидан. 200 дан ортиқ форсийзабон шоирнинг жами 10 мингга яқин рубоийларини таржима қилди. Унинг таржимасида 40 та тўплам нашр қи-линган.

Устоз. Уч нафар филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), 20 га яқин магистрлик диссертациясига илмий раҳ-барлик қилган. Яна икки тадқиқотчи фило-логия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), икки магистрант магистр илмий да-ражасини олиш учун унинг раҳбарлигида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Илм одоби. Баъзилар билимга эга бў-лади-ю, илм одобини ўзлаштира олмайди. Оқибатда кўп қоқилади, обрўйсизланади. Назардан ҳам қолади. Укамиз илм одобини институтда ишлаган Иззат Султон, Абдуқо-дир Ҳайитметов, Салоҳиддин Мамажонов, Тўра Мирзаев, Эрик Каримов, Маматқул Жўраев каби етук устозлардан, албаттаки, антик даврнинг буюк алломаси Суқрот айт-ганидек, айрим илм одобиға амал қилишни эплай олмай ўтиб кетганлардан ҳам ўрган-ди.

Рағбат. Ўзбек адабиёти ва адабиётшу-нослигини ривожлантириш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун 2021 йили Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг фармони билан “Меҳнат шўхрати” ордени, туркман адабиётини тадқиқ этиш ва адабий асарларни таржима қилиш бора-сидаги фаол ишлари учун 2014 йили Турк-менистоннинг халқро “Махтумқули Фиро-ғий” медали билан тақдирланди.

Ҳажвга мойиллик ёхуд қуввайи хофи-за. Биз фаолиятини ёритаётган олимнинг хотираси, яъни қуввайи хофизаси кучли. Бир эшитгани ёки ўқигани унча-мунчага ёдидан чиқмайди. Айниқса, устозлари, ҳамкасблари ҳақидаги хангомаларни ёзиб



ҳам юради. Ҳатто, камина билан боғлиқ хангомаларни ҳам “Китоб дунёси” газета-сида чиқарган. Профессор Боқижон Тўх-лиев хангомаларини китоб тарзида чоп эттирган.

Устозми ё шогирд? Бир гал Наманганга бордим. Ислон Шарқи мумтоз шеър-иятига қаттиқ қизиқадиган мухлислар даврасига тушиб қолдим. Гап айланиб, кўп форс-то-жик мумтоз шоирлари шеърларининг ўз-бекчага таржима қилинганига бориб та-қалди. Сўзсиз, Шоислом Шомухаммедов, Жамол Камол, Эргаш Очил тилга олинди. Мақтангим келиб: “Эргаш Очил – камина-нинг биринчи шогирди”, дедим. Яширмай-ман, бир мухлис бу гапга асло ишонмаса бўладими: “Тўхтанг, тўхтанг, Эргаш Очил сизнинг шогирдингизми ё сиз Эргаш Очил-нинг шогирдларимизми?” деди. Шундай буюк шоирларни ўзбекчада сайратган тар-жимонни каминадан ҳам ёши улуг бир зот деб билар экан-да у киши. “Ҳа, у киши чор ҳукумати даврида Бухоро мадрасаларидан бирида ўқиганлар”, дедим ҳазиллашиб. Шогирдининг бундай таърифи, обрў-эъти-бори қайси устозга ёқмайди, дейсиз?

Шунча гапдан келиб чиқадиган хялти ху-лоса битта: қани эди, қўлига қалам тутган ҳар бир ижодкор халққа Эргашжончалик хизмат қилса!.. Бу йўлда унга омадлар, бардамлик-бақувватлик, соғлиқ-саломат-лик ва олдингилардан ҳам кучлироқ илҳом тилаймиз.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

ҚИЁС

Ҳазорасп мол бозорида ғалати савдони қуриб, бир зум анграйиб қолдим. Симтўр тортилган тиркагич олдида турган тра-кторчи атрофини ўраган одамлар орасида кўрак савдосини қизитарди: “Бир кило-грамм кунжара етти минг сўм. Кунжара дегани чигитнинг қолдиги бўлса. Мана, бир прицеп кўрак – уч тоннадан кам эмас. Килосига минг сўмдан сўраяпман”.

Анграйганим сабаби тақвимда ҳали октябрь оий яқунланмагани, айрим жойларда пахта те-рими давом этаётгани, тўғриси айтсам, шу ёшга кириб очикдан-очик, яна бозорда кўрак сотилаётганини илк бора кўриб турганим эди. Ахир икки донга кўрак сабаб яқин ўтмишимизда қанча инсонларнинг тақдири барбод бўлган: урилиш-сурилишлар майли, қамалиб кетган-ларни ҳам биллашим.

...1957 йилнинг якунида ўша вақтдаги рес-публика раҳбари Н.Муҳиддинов пахта режаси-ни бир амаллаб бажарган воҳа деҳқонларини кутлаш, келгуси ҳосил тадориги билан тани-шиш учун Хоразмга келади. Бизнинг Қўлон Қорабғоқ қишлоғига йўли тушганида, ғўзапо-ядан бўшаган майдонлар шудгор қилинаётган бўлади. Республика раҳбари шудгор сифати-ни кўздан кечириш учун отизга кирази ва янги ҳайдалган тупроқ орасидан икки донга кўрак то-пиб олади. Эртаси куни вилоятда ўтган тезкор йиғилишда “икки кўрак масаласи” муҳокама қилинади. Н.Муҳиддинов “социалистик мулк-ка зарар етказган” хўжалик раиси Н.Саидовни партиядан ўчириш ва жавобгарликка тортишни тақлиф қилади.

Урушдан буён хўжаликка раислик қилиб, уни илгорлар сафига олиб чиққани учун иккита орден билан тақдирланган қирқ яшар раис бо-шига тушаётган тақдир зарбасидан ўзини йў-қотиб, мажлисда беш дақиқа бош яланғочлаб турган онлариди қанд касалини орттиради ва сўнг бевақт вафот этади. Нурилла Саидовнинг ажодлари узоқ умр кўрувчилар бўлиб, отаси Саид бува тўқсон уч, амакилари Жумабой ва Аҳмад салкам юз ёшга киришган. Икки донга кўрак воқеаси қирқ яшар йигит умрини бир лаҳзада тенг ярмига қисқартириб юборади. Ҳосилдан бўшаган майдон шудгор қилинган санага эътибор беринг: 1957 йилнинг 27 де-кабри.

Боготнинг Қораянтоқ қишлоғилик Жаҳонгир Мадаминов ижодкор ўқитувчи бўлиб, туман ва вилоят газеталарида турли мавзулардаги ма-қолалари кетма-кет чоп қилинар, ўзбек тили ва адабиётини мактабларда ўқитиш бўйича услубий рисола ҳам ёзганди. Туманда бўлаёт-ган ноҳақликлар ҳақида юқорига ариза ёздию бошига қора кунлар тушади – қамалиб кетади. Унинг бор-йўқ “жиноят”и уйда сўқимга боқаёт-

ИККИ ДОНА КЎРАК...

ёхуд аччиқ хотира



ган ҳўкизи қорнидан икки донга кўрак чиққани эди. Аслида, ўша икки донга кўракни орган хо-димлари чўнтагида олиб келиб, ҳўкизга еди-ришган. Ҳўкиз қорнидан топилган икки донга кўрак ижодкор ўқитувчи умрини зое қилади. У беш йил қамокда ётиб қайтгач, мактабга боришдан уялиб, бошқа соҳаларда ишлашга мажбур бўлади.

Найманилик бир бригада бошлиғи дала бо-шида колхозчиларга ғўза чеканкасини тезроқ яқунлаш ҳақида топшириқ бераётган вақтида миниб келган оти пушта четидаги ғўзапо-яга тумшук уриб, икки-уч кўрагини ейди. Кимдир дархол “чакув” беради. Отни сўйиб кўрганла-рида, қорнидан икки донга кўрак қолдиги чиқа-ди. От колхозга тегишли бўлган, аммо брига-дир “масъулиятсизлик билан колхоз мулкига зарар етказгани” учун беш йилга қамалиб кета-ди. Бу воқеа ўтган асрнинг 60-йиллари бошида рўй берган.

Яна бир кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа: 1970 йил ёз адоғида республика раҳбарлари воҳага келиб, пахта етиштириш жараёни билан танишади. Ўша вақтда республика Олий Совети Президиуми раиси бўлиб ишлаган Ё.Насриддинова бошчилигидаги гуруҳ Богот туманида ғўзалар аҳволи билан танишиб юр-ганларида ногоҳ Насриддинов номидаги хўжалик пахтазориди бўш юрган сигирни кўриб қолади. Насриддинова хўжаликнинг машхур Қахрамон раиси И.Дўсовга бригадирни партиядан ўчи-риб, маҳкамага тортиш буйруғини беради.

Эртасига Хива туманида республика ишчи гуруҳи ўрганишлари натижасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтади. Насриддинова жойлар-даги аҳвол бўйича маъруза қилар экан, кутил-маганда Дўсовдан: “Кеча пахтага мол қўйиб юборган бригадир партиядан ўчирилдими, жи-ноий жавобгарликка тортилдими?” деб сўраб қолади. Дўсов “сигир воқеаси” бу даражага бо-ришини уйламаган, урушдан буён ёнма-ён иш-лаб келаётган, илгорлиги учун орден-медал-лар билан тақдирланган бригадирга танбёх бериш билан чекланганди. Қалтис вазиятда

буни айтиш бошига бало бўлишини анлаган раис тўсатдан тилига келган гапни айтиб юбо-ради: “Бригадир қилган ишидан кўп пушаймон бўлиб, роса ичккан экан, кеча омонатини топ-ширди”. Раиснинг ёлғони сабаб омон қолган бригадир яна чорак аср умр кўрди. Ўша санада “вафот этгани ҳақидаги маълумотнома”ни ке-йин тенгқурларига кўрсатиб, қулиб юрди...

Жамоа хўжаликлари тугатилиб, ерлар ху-сусий мулкка айлантилган даврда қисқа мuddат пахта ва бугдойчиликка ихтисослаш-ган фермер хўжалиги ташкил қилдим. Кеч кузда, ноябрь ойи охирларида пахта режа-сини бажариб, далани ғўзапоядан тозалаш вақтида айнан “икки кўрак” можароси менинг ҳам бошимга тушди. Даладаги ғўзапояни йи-ғиштириб юрган аёллим паяда қолган беш-ол-ти кўракни пешкилига солади ва уй томонга келаётганида тасодиф туман ҳокими ўрин-босари пешкилини кўздан кечириб, ичидан чиққан олти донга кўракни “жиноятни акс эт-тирувчи ашёвий далил” сифатида баённома тузиб, олиб кетади. “Кўрак можароси” учун ҳокимликка қатнаб, тушунтиришлар ёздим ва “бировларни ўртага қўйиб”, жарима билан зўрга қутулдим.

Бугун (тўғрироғи, бу йил) бозорда кўрак очикдан-очик сотилаётгани ҳам, аслида, қиш-лоқ хўжалигида сўнгги йилларда олиб бори-лаётган ислохотларнинг самараси. Бу мавсум воҳада кўз очиб-юмгунча ўтди – режа бир ой-дан сал кўпроқ вақтда уудаланди. Хориждан келтирилган ва маҳаллий пахта навларининг тегишлилиги, ҳосилдорлиги натижаси бу. Бир теримдаёқ 50 центнерлик хирмон уйган фер-мерлар бўлди. Ҳатто айрим фермерлар етиш-тирган ҳосил рекорд кўрсаткичларни қайд этди – 75 центнерлик марра илк бора уудаланди. Ва яна, воҳа тарихида илк бор сентябрь ойи адоғидаёқ пахтаси териб олинган далалар ғўзапоядан тозаланиб, очик майдонларга кузги бугдой уруғи сепилди. Вилоят тарихида ҳеч қачон ақраб бошланмасдан ғўзапо-я чопи-ғига рухсат берилмаганди.

Режани ошириб бажарган фермерлар дала-да қолган ортиқча пахтани аҳолига териб олиб, рўзгорда кўрпа-тўшакка ишлатишга рухсат беришганига нима дейсиз? Ахир, яқин-яқин-ларгача ҳам режа бажарилмаса, ички ишлар ҳодимлари уйма-уй юриб, пахта излашарди. Уйдан ярим қоп пахта чиққан бечоралар маҳ-камага тортиларди.

Истиқлол лўғатимизга ажодлардан мерос бўлган “хусусий мулк” сўзини қайтарди. Хусу-сий мулк фуқаронинг илкидаги мулки бўлиб, уни ўзи истаганича тасарруф этиш ҳуқуқиға эга. Хоҳласа, ўзи ишлатади, хоҳласа, сотади, хоҳласа, эҳсон қилади. Фермер хўжаликлари эгалари ҳам, шу маънода, ўзлари етиштирган ҳосил ўзларига тегишли эканини айнаи шу мав-сумда тушуниб етишди, дейиш мумкин. Аввал фермерлар гарчи режани бажарган бўлсалар-да, токи вилоят ёки туман режадан чиқмагунча, пахта топшириш мажбуриятидан қутулмасди. Энг ёмони, октябрь ойида режани бажарган фермер декабрь ойи ўрталаригача даласини ғўзапоядан тозалаб, ерларни шудгор қилиш-га кириша олмасди. Эски замонлардан қолган “сўнгги чаноғигача йиғиштириб олиш” сиёсати-га барча бирдек амал қиларди. Шу боис, фер-мер кузги бугдойни икки марта териб олинган ғўзапо-я оралиғига экишга мажбур бўлар, бу усулда экилган уруғ далага текис тушмас, хо-сил ҳам шунга яраша тош босарди. Сабаби, сўнгги терим вақтида нимжон бугдой ниҳолла-ри оёқости бўлар, қиш адоғида ғўзапо-яни ўриб олиш вақтида ҳам анчагина ниҳоллар бой бе-риларди. Бу йил илк марта сентябрь охирида ғўзапо-яси йиғиштирилган очик майдонларга бугдой экилди.

Ўтган асрнинг 50-йилларида ўртага ташлан-ган “Пахта – миллий бойлигимиз!” шиори ис-тиқлол даврида ҳам узоқ вақт таъсир кучини сақлаб қолди. Яқинларгача ҳам “пахтазорда мол боққан” ёки “кўрагу пахтасини ўғирлаган” каби айбловлар жиноят ҳисобланиб, ўша си-гир ёки қўйлар мусодара қилинар, эгаси жазо оларди. Боқаётган жонивори ногоҳ арқонини

узиб ўзини далага уришидан ҳеч ким кафолат-ланмаган, аслида. Шу мантиқсиз жазо йигирма йиллар бугдойзорларда куз-қиш ойларида уч-раган чорвага нисбатан ҳам қўлланилди. Ар-қонини узиб бир қарич буй тортган бугдойзор-га кирган чорва моллари шу ердаёқ сўйилиб, гўшти эҳтиёжманд оилаларга тарқатилгани ҳақидаги хабарлар “ойнаи жаҳон” орқали на-мойиш қилинади.

Кимлардир ўйлаб топган бу жазони мантиқ-сиз дейишимизга сабаб, бу ёқда иқтисодий жиноят содир қилган масъуллар етказган за-рарни қопласа жазодан озод қилиниши қону-нийлаштирилгани-ю, у ёқда иккита кўрак учун мисли кўрилмаган жазо турлари... Ўша иккита кўракдан чиқадиган пахта совет даври нархла-рида бир тийин, истиқлол замонида бир неча юз сўмга яқин турарди. Қолаверса, эндиликда ўша кўрак давлатники эмас, фермерга тегиш-ли. Қайси фермер ўзи деҳқончилик қилаётган ҳудудда яшовчиларни қон қақшатишни истай-ди, дейсиз! Шундай ҳолат рўй берса, чорва эгасини оғохлантириш билан чекланарди, хо-лос. Масала билан ҳуқуқ органлари шуғуллан-ганида, иш жиддий – сиёсий тус олиб кетарди.

Узоғу яқин ўтмишда миллатимиз бошига тушган кўлгина қулфатлар айнан “пахта зулми” билан боғлиқ бўлгани юқоридаги мисолларда яққол кўринади.

Бозорда кўрак сотаётган тракторчи воқеаси-га қайтамыз. Тракторчи бу кўракни қайдандир ўғирлаб олмаган. Қайсидир фермер режани ошиғи билан бажарган ва қолган-қутган кў-ракларни йиғиштириб олишга рухсат берган. Бир томондан, кўракни сотиш орқали қўшимча даромад қилади, чорва боқаётган одамларга нафти тегади. Иккинчи томондан, ўша “сўнг-ги чаноқлар”ни йиғиштириб олиш фермерга зарар келтиради. Чопа пишган кўраклар очи-лишини қутиши керак. Ундан чиққан пахтани заводлар энг сўнгги навларга қабул қилади – берадиган пули харажатиинг ярмини ҳам қоп-ламайди.

Жорий мавсумда қайсидир вилоятда ҳосил-дан бўшаган ғўзапо-яларни ёкиб ташлаш орқа-ли далани қўшимча минерал ўғитлаш тажри-баси қўллангани ҳақида ҳам хабарлар чиқди.

Бугун юртимизда олиб борилаётган осло-хотлар инсон маффаатига хизмат қилиши ҳа-қида кўп гапирамиз. Ана шу инсонпарварлик го-яларига йўғрилган сиёсат самарасини кун сайин англаяпмиз, рўй бераётган воқеликлар-да кузатяпмиз. Куни кеча “миллион эгатларга сочилган ўзбек” бугун ўз қадр-қимматини ан-глади, топди. Икки донга кўрак учун жавобгар-ликка тортилиб, тақдири поймол бўлган инсон-лар ҳақидаги воқеалар гўё эртатка айланди.

Рўзимбой ҲАСАН



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ



Бўтабой Дадабоев (1887–1938)

Ахли донишлардан бири айтди: “Ҳаёт кемаси меҳнат лангарига сунямаса, шамоллару довулларга дош беролмайди”. Бугунги саҳифамизда ҳаёт кемаси довулу бўронларга йўлиққан йирик шахсият – оддий ишчиликдан тортиб ҳуқуқ-тартибот тизимларида раҳбарлик даражасигача йўлни босиб ўтган Бўтабой Дадабоев ҳақида ҳикоя қиламиз.

Бўтабой Дадабоев 1887 йили Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида ишчи оиласида дунёга келди. Болалик йиллари (агар бунни болалик атаб бўлса) оғир меҳнат, эҳтиёжлар, оила кам-кўстни бутлаш билан андармон ўтди. Дастлаб диний, сўнг рус-тузем мактабида хат-савод чиқараётган болакай отадан эрта етим қолди. Оиланинг тўнғичи эди. Рўзгорнинг бор юки ўн уч ёшли болакай жусасига тушди. Бола бўлиб ҳали ўйинга, ўқишга тўйиб улгурмаган Бўтабой чакмоқ “йилт” этиб чақарлик оний лаҳзада улғайди-қолди, укаларига ота ўрнида бўлди. Оилада ундан ташқари яна уч фарзанд, онаси ҳамда кўзи ожиз бўвиси бор эди.

Бўтабой шу тариқа меҳнатга кирди. Турган гапки, бу ёшда ўспиринга кимса иш тутқазиб қўймасди. Фақат югур-югурларда қўл-оёқ бўлиши мумкин эди, холос. Олдинига Ниёзхўжа исмли пахта комиссионери хонадонидида хизматкорлик қилди, кейин тери ва пахта тозалаш корхоналарида ишчи, сўнгра Намангандаги таниқли савдогар Альперов магазинида қоровул бўлиб ишлади. Кейинроқ иш излаб Тошкентга келди ва шаҳар тиббий амбулаториясида қоровул ҳамда хат ташувчи бўлди. Ҳар ой маошидан 15 сўмни Чустга – оиласига юбориб турарди.

Қисмат қаҳрамонимиз бошига тағин оғир синов йўллади. Бўтабой онасидан ҳам ажраб қолди. Ўша чоғда фельдшер оиласида яшаб, русча савод чиқаришга энди-энди кўникиб бораётган йигит ота уйга қайтишга мажбур бўлди. Чустда уни кўзи ожиз бўвиси ва укалари илҳақ кутарди.

Қаҳрамонимиз Тошкентдан қайтаркан, Чустда тайинли иш тополмайди. 1908 йили Чодакда бўлис бошқарувчисининг девонхонасида хизмат қила бошлайди. Бу даврда бўлис идоралари маҳаллий бошқарувнинг асосий бўғини бўлиб, уларда тартиб, буйруқ ва итоат биринчи ўринда турарди. Бўтабой бундай муҳитга на кўниб, на кўникиб кетди. Шунга қарамай, икки йилча ишлади ҳамки, бу давр мобайнида чор маъмурлари уни уч маротаба жазолаб улгурди. Жазо сабаблари уезд бошлиғи топшириқларини тўлиқ бажармагани, айрим ҳолларда раҳбарлар олдида ўзини улар кутгандек тутмагани, бўйинсунмагани учун олдинга 5 сўм жарима тўлашга мажбур бўлади. Яна бир сафар

БЎРОНДАН КУЧЛИ

етти кун, сўнг икки ҳафта қамоқ жазосини ўтайди ва охири ишдан бўшатилади.

Аслида, бу ҳолат-манзара Бўтабой Дадабоев табиатида қарор топган қатъият, журъатни ҳам яққол очиб беради. У тепадан тушган ҳар кўрсатма, топшириқни кўр-кўрона бажариб кетадиганлар хилидан эмасди. Ҳаётнинг ўнқир-чўкирини эрта таниган бу йигит “ҳар гапга бош эгиб” кетмаслиги табиий эди. Бу ҳулқ ё ғайрат ўша пайтда тобора кучайиб бораётган жадидлик ҳаракати намояндалари қарашларига-да моҳиятан уйғун, ҳамоҳанг эди.

Тошкентдаги хизмат йилларида русча саводи очилган, кейин Чодакда бўлис девонхонасида иш юритиб, расмий ёзишма ва жамоат ишлари билан шуғулланган Бўтабой Чуст шаҳар ҳўжалик бошқармасида иш бошлайди. У ерда уни маҳаллий масалаларни ёритиш, аҳолининг мурожаатлари ва шаҳар бошқаруви фаолиятига оид маълумотларни тўплашга жалб қилишди. Шу тариқа у матбуотга хос вазифаларга киришиб, амалда журналистлик фаолиятини бошлайди. 1914 йил январидан Февраль инқилобига-ча Бўтабой Чуст шаҳар ҳўжалик бошқармасида журналист, сўнг-ра даҳа пристави Б.Яхъин томонидан дастлаб Марғилонга даҳа пристави қилиб ўтказилади, кейинроқ унинг тавсияси билан Скобелев шаҳри пристави қошидаги хатлар бўлимида ишлайди.

1916 йили Фарғонада юз берган кўзғолон кунларида Бўтабой яна бир синовга дуч келади. Расмий хизмат пайтида вилоят амалдорларидан бири ўтиб кетаётганида таъзим қилмагани ортидан танбеҳ эшитилади. Қаҳрамонимиз танбеҳа кескин жавоб қайтаради. Бу ҳаракат ортидан “қаҳрамонлик” изламоқчи эмасмиз. Аммо бор гап ҳам шу: Бўтабой Дадабоев ўзини камситишларига асло йўл қўймаган. Маъмур танбеҳ берганда бош эгиб турмагани ва кескин жавоб қайтариши эса унга нисбатан тергов ишлари юриб кетишига олиб келади.

Ўша йил кузагида Бўтабой Дадабоев билан яна бир қизик ҳолат содир бўлади. Фарғонадаги “Военное собрание” биносидида спектаклга кirmoқчи бўлганида, унга “сартлиги учун” патта сотишмайди. Бу ҳолат ўша даврда маҳаллий аҳолининг ҳуқуқ ва шаъни қай даражада эътиборсиз эканини яққол кўрсатади. Бўтабой Дадабоев эътироз билдиргани ортидан “ноқонуний ҳаракат” айби билан ҳибсга олинади. Қўриб турганингиздек, оддий тadbирга киришни талаб қилишнинг ўзи ҳам жиноят сифатида баҳоланган. Февраль инқилоби туфайлигига у қамoқ жазосидан қутулиб қолади.

Февраль инқилобидан кейин у приставлик ҳузуридаги журналистлик фаолиятини тўхтатади. Марғилонда мусулмон ишчилари ва ҳунармандлари кенгаши-ни ташкил этиш ҳамда “Ҳиммат” истеъмолчилар жамиятини тузиш ишларида фаол қатнашади. Жамиятнинг назорат комиссияси аъзоси қилиб сайланади. Бир фурсат милиция соҳасида хизмат қилади.

Ҳокимият тепасига келган большевиклар Бўтабойнинг саводли, серғайрат, ташкилотчи йигит эканини қўриб, ундан фойдаланишга қарор қилади. У дастлаб 1917 йилнинг кузида Фарғона вилояти Ер ишлари кўмитасига аъзо, кейин унинг бошлиғи қилиб сайланади. Аммо большевиклар Туркистоннинг миллий республика сифатида раvнақ топишдан

манфаатдор эмас эдики, ўлка парчаланиб, кичик республика ва мухториятларга бўлиб юборилди. “Сувнинг қаёққа oқаётгани”ни сезган миллатпарвар зиёлилар большевиклар ҳукмронлик қилса, Ватан ва миллат озод бўла олмаслигини пайқайди. Шу сабабли, турли ташкилотлар тузиб, Туркистонни совет давлати чангалидан ажратиб олишга уринади.

Ана шундай ташкилотлардан бири “Иттиҳод ва тараққий” эди. Тергов ҳужжатларида қайд этилишича, бу ташкилотга Турор Рискулов, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саъдулла Турсунхўжаев, Низомиддин Хўжаев, Юсуф Алиев, Али Расулов каби инсонлар раҳбарлик қилишган. Унга Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети котиби Акмал Икромов, Халқ Комиссарлари Кенгаши Раиси Файзулла Хўжаев, Ер ва сув ишлари халқ комиссари Рустам Исмолов ва бошқа йирик раҳбарлар хайрихоҳлик кўрсатишган. Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети раиси Иномжон Хидиралиев мазкур ташкилотга Бўтабой Дадабоевни ҳам жалб этган.

Ташкилотнинг бош мақсади

ниҳоятда кам бўлгани боис, ҳар бир одам зиммасига кўллаб вазифалар юкланар эди. Шу сабабли, Бўтабой Дадабоев бир қатор кўшимча лавозимларда ишлайди.

Тергов ҳужжатларида келтирилишича, Бўтабой Дадабоев навбатдаги йилларда Тожикистонда хизмат фаолиятини давом эттириб, у ердаги “Иттиҳоди Шарқ” ташкилоти билан алоқада бўлган. Ташкилот аъзолари орасида Тожикистон ССР МИҚ собиқ раҳбари Нусратулло Махсум, Тожикистон Халқ Комиссарлари Кенгаши собиқ раиси Абдурахим Ҳожибоев, ижтимоий таъминот халқ комиссари Муҳитдинов, Тожикистоннинг Москвадаги мухтор вакили Абдужабборов ва бошқалар бўлган.

Бўтабой Дадабоев Туркистон Республикаси Юстиция халқ комиссарлиги лавозимида ишлаган ўнинчи раҳбар ҳисобланади. У ўз таржимаи ҳолида шундай ёзади: “1923 йил 14 апрелда Туркистон Республикасининг Юстиция халқ комиссари ва май ойидан бошлаб Республика Бош прокурори вазифаларини бажаришга киришдим. Ўша пайтда бу икки лавозимни бир киши бошқарар эди. Мазкур

қарилади.

1935 йилда у Файзулла Хўжаевдан ёрдам сўрайди ва унинг кўмаги билан Туркистонга ишга юборилади. 1935–1937 йилларда Туркистон ССР Ер ишлари халқ комиссарлигида масъул лавозимларда ишлайди. 1937 йилнинг 31 августиди у Ашхобод шаҳрида қўлга олинган. Ўн беш кун давомида “қийноқ усталари” унинг иродасини синдириш учун турли азобларга гирифтор қилган.

1937 йил 5 сентябрда Ўзбекистон ССР ИЧК Халқ комиссари Николай Загвоздин қарори билан Дадабоев “савдогарнинг ўғли”, “жадидларнинг аксиклиқлобий” “Иттиҳод ва тараққий”, “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси” сифатида айбланиб, ҳибсга олинади. Унинг Тошкентдаги уйида тинтув ўтказилиб, шахсий ҳужжатлари, орденлари, хавфсизлик қоғозлари ва 500 дан ортиқ китоби мусодара қилинади.

1938 йил 4–16 октябрь кунлари Москвадан Тошкентга СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси аъзолари келиб, сайёр сессия ўтказилади. Бу жараёнга тайёргарлик сифатида 1938 йил 22 март сана-си қўйилган махсус рўйхат тузили-



Туркистон ҳудудида ягона миллий давлатни барпо этиш эди. Бўтабой Дадабоевга оид тергов материалларида унинг бу борада “босмачилик ҳаракати”ни ҳар қандай йўл билан қўллаб-қувватлашга, ҳатто уларга қурол-ярoғ етказиб беришга уринган”и қайд этилади.

1918 йилда Скобелев совети депутатлигига бўлиб ўтган сайловларда кўпчилик қатори Дадабоев ҳам депутатликка сайланади. Депутатларнинг биринчи йиғилишида Ижроия кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинланади. Бу лавозимда 1919 йил февралигача ишлайди. Шундан сўнг, Фарғона вилоят совети депутатларининг хабарнома-си бўлган “Ахбор” номли мусулмонлар газетасига муҳаррирлик қилади.

...1921 йилнинг бошида унинг ташаббуси билан Фарғона вилоятининг маркази қилиб Скобелев шаҳри ўрнига Қўқон шаҳри белгиланади. У марказнинг Қўқонга кўчирилиши билан боғлиқ ишларга бош бўлади. Кейин, Фарғона вилоят революцион комитетининг топшириғига кўра, Наманганга уезд-шаҳар революцион комитетининг раиси вазифасига хизматга жўнатилади. Бу ерда Ижроия комитет, озиқ-овқат кенгаши, баҳорги экин экишга тайёргарлик кўриш, солиқларни йиғиш кампанияларининг раислари вазифаларида ҳам ишлайди. 1922 йилнинг баҳоридан бошлаб Фарғона вилоят революцион комитети раислигига тайинланади. Ўша пайтлари Совет ҳукумат органларида рус тилини биладиган ходимлар

соҳага 1924 йил 8 январга қадар раҳбарлик қилдим. Шунингдек, 1923 йил август-сентябрь ойларида Туркистон Республикасини Марказий Ижроия Кўмитаси раиси вазифасини вақтинча бажардим. 1922–1924 йилларда Марказий Ижроия Кўмитаси аъзоси бўлдим. 1924 йил февралдан Республика ер ишлари бўйича халқ комиссари биринчи ўринбосари ва ушбу комиссариат қошидаги қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси раҳбари сифатида фаолият юритдим. 1924 йил охиридан эътиборан Тожикистон Республикасини ташкил этиш ва у ерда раҳбарлик тизимини шакллантириш ишларида иштирок этдим”.

Бўтабой Дадабоев Юстиция ва прокуратура тизимига раҳбарлик қилган саккиз ой давомида қатор ташкилий ишларга қўл урди. Хусусан, 1923 йил 13–18 сентябрь кунлари Туркистон Республикаси прокуратура ходимларининг биринчи қурултойи ўтказилди. Бу йиғилишда Дадабоев кадрлар етишмаслиги, мавжуд ходимларнинг касбий малакаси пастлиги, прокуратура фаолиятига ижро органларининг асосий аралашуви ва жойларда тизим етарли даражада ишламаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирган.

1924–1934 йилларда у Тожикистон АССРда хизмат қилиб, Ташкилий бюро раиси, “Кўшчи” уюшмаси раиси, Марказий Ижроия Кўмита раиси ўринбосари лавозимларида ишлаган. Бу даврда Абдурахим Ҳожибоев билан ҳамкорлик қилган ва Марказининг тожик халқи манфаатларига зид сиёсатига қарши чиққан. 1931 йилда пахта етиштиришни йўлга қўйиш мақсадида Фарғона водийсидан кўллаб аҳоли Тожикистонга кўчирилар экан, бундан норозилик кучайиб, кўпчилик қамoққа олинади. Шу жараёнда Дадабоев вазифасидан озод этилиб, 1932–1934 йилларда Тошкентда Тожикистоннинг доимий вакили бўлиб ишлайди. Ўша йилларда “қурилишлар маҳаллий халқ манфаатларига мос бўлиши керак”, деган талаби учун партия сафидан чи-

ган бўлиб, унда Ўзбекистондан отувга маҳкум этилиши режалаштирилган 155 киши (биринчи тоифа) ва яна 10 киши (иккинчи тоифа) номи кўрсатилган. Ҳужжатга Сталин, Молотов, Каганович, Ворошилов, Жданов имзо чеккан. Ҳозирда мазкур рўйхат Россия Федерацияси Президенти архивида сақланадиган шунга ўхшаш 383 та рўйхатдан бири. Унда исми-фамилияларига ёзилган ва рўйхатдаги 30-рақамда Бўтабой Дадабоев ҳам қайд этилган.

Қатагон тегирмонининг ишлаш усулидан, совет “гестапочи”ларининг қамoқхона эшигидан қирғизиб олгач, маҳбусларга қилган ёвузлиги ва шафқатсизлигидан бохабар тарихчилар 1937-1938 йилларга оид сохта сўроқ ва иқрономалар қандай қийноқлар эвазига қўлга киритилганини яхши билади. Зеро, жазо ташкилотлари ўз мақсадларига эришиш, ваҳшииликларини яшириш, қабих ишларини ниқоблаш мақсадида ўзлари тўқиб чиқарган уйдирма, иқрономаларга соатлаб оёғидан осиб калтакланган, ухламаган, чалақан ва қарийб бехуш маҳбусларга имзо чектириш “санъат”ини пухта эгаллабгина қолмай, уларни сафдошларию авлодлари олдида ҳам бадном этиш “йўл”ларини яхши билганлар.

Шундай шароитда Бўтабой Дадабоев ҳам “айбини тан олган”. СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессияси 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Бўтабой Дадабоевни отувга ҳукм қилади, ҳукм ўша кунгидея ижро этилади.

Ватани, халқининг ҳур ва озод кунларга эришишини орзу қилиб, бу йўлда мардона курашганларга кўмак берган, уларни қўллаб-қувватлаган қустлик арбоб, жадидлик ҳаракатининг пешқадам курашчиларидан бири Бўтабой Дадабоев каби маърифатпарварлар тақдири ҳали очилмаган қўриқ. Уларнинг бизга берадиган сабоқлари бисёр...

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Салимхон Тиллахонов – 1898 йил Тошкентда туғилган. Ўзбекистонда “Миллий истиклол” ҳаракати намоёндаларидан бири, “Миллий иттиҳод” ташкилоти Сирдарё вилояти раҳбари бўлган. 1914–1916 йилларда бошланғич мактабларда ўқитувчи, “Турон” труппасида актёр бўлган. 1916-1917 йилларда Боку Педагогика институтида ўқиган. Тошкент эски шаҳар маориф бўлими mudiri. Салимхон Тиллахонов Урта Осие институтида ҳам ўқиган ва ўқитувчилик қилган (1924-1925). Тошкент округ молия курсини ташкил этиб, унга раҳбарлик қилган (1925–1929). “Молия фани асослари” асарини ёзган. 1929 йил ноябрь ойида Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ) томонидан қамoққа олинган. 1931 йил 23 июнда Москва шаҳрида отиб ташланган. 1989 йил 24 мартда оқланган.

Хумойиддин Йўлдошқориев – 1896 йили Андижон шаҳрида туғилган. Собиқ йирик савдогар. Фуқаролар урушидан кейин Туркияга келган. “Нашри Маориф” ташкилотининг аъзоси бўлган. Қамoққа олиниши пайтида артелда mudir бўлиб ишлаган. Аҳоли орасида доимий равишда аксиклиқлобий характеридидаги тарғибот олиб борганлиқда, халқ душманларига нисбатан ҳамдардлик билдирганлиқда айбланиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди қўлланилиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 октябрдан ҳисобланган.

Исроил Алихўжаев – 1896 йили Фарғона шаҳрида туғилган. 1918 йили аксиклиқлобий фаолияти учун 6 йил қамoққа ҳукм этилган. 1934 йили партиядан ўчирилган. Қамoққа олиниш вақтида колхозда ферма mudiri бўлиб ишлаган. У 1918 йили Қўқондаги кўзғолоннинг фаол иштирокчиси бўлган, қизилармиячиларнинг отилишида иштирок этган, миллатчи аксиклиқлобий тарғибот олиб борган. “Миллий иттиҳод” аксиклиқлобий миллатчи ташкилотнинг аъзоси сифатида унинг яширин йиғилишларида иштирок этганига сабабли ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

Ҳакимхўжа Аббосхўжаев – 1889 йили Наманган шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксиклиқлобий ташкилотнинг фаол аъзоси бўлган. Ҳибсга олинганга қадар район матлубот жамияти ҳузуридаги сут заводида инструктор бўлиб ишлаган. Аввалдан совет ҳокимиятига қарши душманлик кайфиятда бўлиб аҳоли орасида аксиклиқлобий тарғибот олиб борганлиқда, Олий Советга сайловлар тўғрисида тўхмат тарқатганлиқда, “Яширин овоз бериш – ўзбекларга қарши курашдир”, деб айтганлиқда айбланган. У 3318-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган.

Аҳмаджон Носирбоев – 1884 йили Жиззах шаҳрида туғилган. Собиқ савдогар. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлган. 1932 йили аксиклиқлобий фаолияти учун қамoққа олинган ва етти ой ҳибсда бўлган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ маҳсулотни бўлмаган. Аҳоли орасида халқ душманларини мақтаганлиқда айбланиб, отувга ҳукм этилган.

Кубри Ҳамроевич Абдуқаномов – 1886 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. 1931 йили аксиклиқлобий фаолияти учун 3 йил сургунга ҳукм этилган. Ҳибсга олинган вақтда Ўзбекистон кооперация ошмаёсида тайёрловчи бўлиб ишлаган. Доимий равишда қарши тарғибот олиб борганлиқда, капиталистик тузумни мақтаганлиқда айбланган. 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилиб, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган.

Исломбек Арслонбеков – 1901 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1918 йили кўнглили ҳарбий хизматда бўлган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби Акмал Икромов 1937 йил 21 сентябрда қамoққа олингандаги терговда аксиклиқлобий ташкилотда Исломбек Арслонбеков ҳам бўлгани қайд этилган. 1937 йил 8 октябрда қамoққа олиниб, Тошкент турмасига келтирилган. Унга Ўзбекистонда аксиклиқлобий фаолият кўрсатган деган айб қўйилган. СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 8 октябрдаги сайёр йиғилишида Исломбек Арслонбеков отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куннинг ўзидаёқ амалга оширилган.

Азизбек МАҲҚАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори
Нигорахон АКБАРОВА,
музей илмий ходимаси
(Давоми келгуси сонда).



“**Кишан кийма,
Бўйин эгма –
Ки, сен ҳам ҳур туғулгонсен!**
ЧЎЛПОН



ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

КИТОБ
ЙЎҚОЛМАЙДИ

Эрталаб одатдагидек ишга кетаётиб метрога тушдим. Поезднинг гувиллаган товуши-ю, жонсарақ йўловчилар кишида қандайдир бетоқатлик уйғотади. Бу сафар бирдан кайфиятим хуш бўлди: “Пахтакор”дан “Алишер Навоий” бекатиға ўтиш йўлагига китоб жавони атрофида уймалашаётган одамларни кўриб қолдим. Кимдир шу ерда ҳам маърифат улашиб, китоб савдосини йўлга қўйдимики деб ўйласам, “Турон китоб бекати” очилибди.

Тавба қилдим-у, кейинги пайтда ҳамма нарсадан нуқсон қидирадиган бўлганман мен ҳам. Қайсидир тадбиркор “утмаган” китоблардан раста ясаб “очко” олмоқчи бўлгандир-да деган бадхаёл билан бир кўр кўз ташласам, ўқилиши шарт бўлган дурдона асарлар саф тортиб турибди: “Бобурнома”га бир қувонсам, “Хамса” билан “Ўткан кунлар”ни кўриб, икки яйрадим. Кайфият аъло бўлди. Чунки одамлар ўқимай қўйди деган иддао тренда бўлган замонда метродек бекарор, тигиз маконда китоб ишқибозлари шунчалик кўп эканки...

Қизиқиб, ўтган-кетгандан сўрасам, бу янгича китобхонлик ташаббусининг шarti шу эканки: исталган бекатдан китоб олиб, манзилга етганда бошқа жавонда қолдириб кетиши керак. Ўйи, муталаа фақат метро ичида бўлиши кўзда тутилган. Энди сиз ҳам метрога тушганда беҳуда видеолар томоша қилиш ўрнига ўқиб, унумли ва фойдали вақт ўтказишингиз мумкин. Сиз менга жаҳлланиб, “Нима, телефонда фақат зарарли томошалар йиғилганими? “Муталаа” иловасидаги китоблар-чи? Минглаб аудио спектакллар-у, жиддий фильмлар-чи?” дерсиз. Тўғри, лекин қўлида китоб тутган одам тирик атиргул кўтарган бахтиёр ошиққа ўхшайди. Хуллас, бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлаш керак. Қандай қилиб дейсизми? Метрога тушганда бу беминнат хизматдан фойдаланинг. Афсус чекмайсиз.

Илдриги: Эшитишимча, биринчи кунёқ мингга яқин китоб йўқолибди. Ишончим комил, бу ғойиб бўлган асарлар тез орада бошқача шаклда жамиятимизга қайтиб келади.

Отабек РАҲИМ
Фейсбук

ЎФА ДИҚҚАТИГА

НИМА УЧУН
“ЛАМБАДА”?

Футболга ашаддий ишқибоз эмасман, лекин Ўзбекистон миллий терма жамоалари, қайси ёш таркибида бўлса ҳам, майдонга тушар бўлса, қолдирмасдан, жиддий эътибор билан кузатаман. Айни кунларда Қатарда 17 ёшгача ўсмирлар ўртасида ўтаётган жаҳон чемпионатини ҳам қизиқиш билан кўриб борапман.

Албатта, бугун миллий футболимиз ривож учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилмоқда. Бунинг самараси ўларок, футболчиларимиз – ўсмирларми, ёшлар ёки катталар бўладими – жаҳон майдонларида ўз салоҳиятини намойиш этаётгани, миллий терма жамоамиз тарихда илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритгани, иқтидорли спортчиларимиз дунёнинг номдор клублари сафидан ўрин олаётгани қувонарли. Лекин ҳозир гап футболчилар ҳақида эмас, терма жамоаларимиз ва миллий клубларимизда шаклланган мухлислар жамоаси, яъни “фан-клуб”лар хусусида.

Аслида, бизнинг бу ашаддий ишқибозлар гуруҳига ҳеч эътирозимиз йўқ. Улар ўзидан, ишидан, оиласидан ортиб, футболчиларимизни ҳар доим қўллаб-қувватлаб келади, баракалла! Шунинг ортидан элга танилган замондошларимиз бор. Муҳлислар орасида хотин-қизлар кўпайиб бораётганини ҳам кўрапмиз. Ҳаммаси яхши. Фақат, бир нарсa борки,

ҲАЖВ

Худого шукр, зап қулай замонларга рўпара бўп қолдикми, Саттор Суроб! Илгари – турғунлик даврларида пахта теримдан қочиш учун медреса навбатчисидан справка олишга кечгача обора бўлардик, эсингдами? Ўша турғун медреса думини тутқазмасдан гоҳ туман марказига, гоҳ вилоят марказий шифохонасига справка олишга кетган бўларди. Э, нимасини айтасан, мана, дориломон кунлар кеп қолди. Справка, далолатнома, ишончнома, шаходатнома, сугуртанома, шикоятнома, тасдиқнома, гувоҳнома, гаровнома каби маълумотномаларни олиш чўт бўмай қолди. Хоҳласанг, хотинни юбор, бўлмаса кенжотойинг ғириллаб бориб келтириб турибдию.

Хуллас калом, ўтган куни каминага нотариусдан тасдиқнома зарил бўлқолди. Хитойга кетаётган ўғилчага номимдан кафолатнома керак экан: “чжен-лжен, Чайн-майин, кенжато-йим Мармарқўзи девор ошиб, ўйнаб келишига қаршимасман. Энаси унга илова, Чайн-майин”, деган мазмунда. Бир танишнуса нотариус бор эди Милтиқхўжа деган. Шунинг рақамини топиб, ўрдим. “Ие, окахон, қўллу бўлсин! Шест секундда ест қиламиз. Йў-йў, келишингиз шартамас, телефонда ҳал қиламиз. Холласангиз, ҳозирок”. Топилмади ўргилай, қара-я, оворагарчилик, сарсонгарчилик йўқ. Телефонда мулоқот, видеоёзув, клиддан тўлов, бўлди, та-мом, олам гулистон. “Окей, – деди Милтиқхўжа. – Эртага саккиз-у ўн бешда тайёр бўлади. Олкетаверасиз. Кстати, навбатчиға атаганингизни қистириб кетарсиз”.

Эртаман хотинбойини етаклаб аканг қарағай Шарқунослик опийгоҳининг эстагидаги ертўлага жойлашган нотариус тепасига етиб бордик. Қопқоқ тақа-тақ берк. Майли, асосийси, димоғ чоғ, кайфият важанг, бу ёқда бошимиздан заъфар япроқлар тўкилиб, ҳар ўн одимда хазон



беихтиёр, “Ўткан кунлар”даги Юсуфбек ҳожининг машҳур сўзлари ёдингизга келади: “Нега ҳар бир нарсaга еткан ақлинг шунга қолганда оқсайди”.

Маълумки, “фан-клуб” аъзолари ўйин вақтида карнай-сурнаю ногораларда турли қуйларни чалиб туради. Чолғу миллий, лекин эътибор қилсангиз, қуй бегона. Сиз ҳам “репертуар”га қизиқиб кўринг: аксари тингловчилар орасида оммалашган бўлса-да, лекин муסיқаси ўғирланган қўшиқлар. Бу оҳангларнинг қардош халқлар ёки жаҳон эстрадасидан ўғирланганини кўпчилик, хусусан, уни ижро этаётган “фан-клуб” аъзолари билмас, лекин эгалари – ўша миллат вакиллари эшитса, танийди-ку.

Булар ҳам майли, машҳур “Ламбада” қўшиғининг қуйи ким ёки нима учун чалиняпти? Ўзбекистон ўйинида “Ламбада”нинг чалиниши, эҳтимол, бразилиялик санъат ихлосмандларини мамнун этар, лекин бошқа давлатлар ахлини ҳайрон қолдирмайдими? Дунёда Ўзбекистон ва унинг қаерда жойлашгани ҳақида

етарли тасаввурга эга бўлмаган одамлар ҳам кўп, улар ҳам жаҳон чемпионатларини кўради, бу қуй уларни чалғитмайдими?

Ўзбекистон футбол ассоциациясига тақлиф: билимдон санъаткор ва санъатшунос-лар, муסיқа мутахассисларидан ёки масъул идора – Маданият вазирлигидан тавсия олиниб, “фан-клуб” чолғучиларига асл миллий муסיқаларимиз саралаб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ёки “Лазги”, “Анджон пол-каси” каби машҳур қуйларимиздан фойдаланган маъқулдир.

Дарвоқе, яқинда “Анджон” клуби мухлис-ларининг “Анджонликлар келди” деган ҳай-қирғи оммалашган, бу тажрибадан “Темурий-лар келди” тарзида катта майдонларда ҳам фойдаланилган эди. Балки, кўпчиликка ёққан шу оҳанг асосида барча терма жамоаларимиз учун махсус қўшиқ ёзиш мумкиндир, шоир ва бастакорлардан кўмак сўралса, улар албатта йўқ демайди. Эътиборсиз бўлмайлик!

Икром БҮРИБОЕВ



уюми тутаб, атрофга романтик файз бағиш-лаб турибди. Шу файзиёб манзарага махлиё бўлиб, соат ўн бирга яқинлашганини ҳам сез-май қопмиз. Бирдан хотиннинг жазаваси тутди: “Ўн яримда элчихонада бўлишимиз керак эди, айтувдим-а, қўлингиздан ҳеч бало келмайди, нима ишга аралашсангиз пачава деб!” Саттор, ўзингга тан, шахримизда нима кўп, аптека би-лан нотариус. Бундоқ қарасам, бинонинг сўл томонидан яна бир нотариус кўр тўкиб турибди. Шарт кирдим-у, тўловини қилиб, ҳужжатни ол-қидим. Бор-йўғи, уч соатча вақтим билан ярим милёнча соққачам кетди. “Мана, – дедим хоти-нини тумшугига тираб, – Сенга нечта дакимент керак?” Бечара тоза мулзам бўлиб, тавбалар келтирди. Саттор, нега йириб қўйган маккадай тирхаясан? Ҳа, ҳақлиги Милтиқхўжага ўн етти марта сим қокдим. Зим-зиё. Майли, бирор кун учраб қолса, керакли жойига атаганимни қис-тириб, ҳужжатимни оларман. Одам эҳтиётини қилиб, запас вариант билан яшагани тузук. Ҳар шаклда бир ишқал деганларидай, элчихонага

кечкики борганимиз сабаб, она-боланинг са-фари кейинги илгга қолди. Хайр, бундаям бир ҳикмат бордир.

Энди, Саттор Суроб, ортиқча шилқимлик аралаш “У лабзи йўқ алдоқчи муттаҳам қай манзилда эканини билиб қўйлик” деб ўзингги жиниликка солма. Бу фикри ожининг ила шои-ри охираммон Қалийнинг “Меҳринг қалбига инвестициядур” деган мухташам достонидан беҳабарлигинг ошқоро бўлиб қолмасму?

Байт:
Қон ялаган қассобда
сабзи бўлмас, яхшилар,
Жон талаган каззобнинг
лафзи бўлмас, яхшилар.
(Қаралсин: “Танланган асарлар”
17-жилд, 748-бет.

“Топсабосар” нашриёти. 4-қайта нашр)
Ҳожабтарорларни қидириб ҳам ўтирма.
Ҳужжат-пушжат зарил бўлқоса, сенга ўзлари чиқишади.

Мулла ХУНОБ

ТИЛБИЛИМ

Ҳозирги ўзбек тилидаги олхўри, олча, шафтоли каби мева номлари “олу” сўзи иштирокида ясалган. Қадимги туркийда “олу” маъносига “эрук” (“ўрик”) сўзи ишлатилган. “Девону луғатит турк”да “эрук” сў-зига: “шафтоли, ўрик, олхўри каби меваларнинг умумий номи” деб изоҳ берилган. Аммо кейинчалик, афсуски, “эрук” кўп ҳолатларда ўз ўрнини “олу”га бўшатиб берди.

“Бобурнома”да “олу” мустақил ҳо-латда ҳозирги тилимиздаги “олхўри” маъносига қўлланган. “Форсча-ўзбек-ча луғат”да ҳам “олу” – “олхўри” деб изоҳланган. Энди мазкур “ripus”, яъни “олу” ёки “эрук” оиласига мансуб меваларга эътибор қаратамиз:

ОЛУЧА – ҳозирги тилимизда “олча”. Бу ном форсча “олу”га туркча “-ча” кич-райитириш қўшимчасини қўшиш билан ясалган.

ОЛВОЛИ – “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўз ҳам шевада “олча” маъносини билдириши айтилади. “Бо-



бурнома”да бу сўз – “олу-болу” шакли-да ёзилган: “Мен олу-болу ниҳолини келтуруб эктурубмен, яхши олу-болу-лар бўлди ва ҳануз тараққийда эди”. Бобур мазкур жумлада олу-болу, яъни олчани Кобулга келтириб эктирганини айтмоқда. Қаердан келтирган? Албат-та, Мовароуннаҳр, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан келтирилган эҳтимоли кўпроқ. Балки шунинг учун бу мева номи охирига туркча “-ча” қўшимчаси қўшилиб, “олуча” деб аталгандир.

ҚАРОЛИ – бу сўз “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га ҳам, “Ўзбек тилининг этимологик луғати”га ҳам қўймай қол-ган. “Ўзбек халқ шевалари луғати”дан бу сўзнинг Қашқадарё, Жиззах, Хо-разм ҳудудларида қўлланишини би-либ олиш мумкин. “Қароли” деганда

ОЛУ

ҳам олхўри тушунилади ва у туркий – “қора” ҳамда “олу” сўзлари қўшилиши-дан “қора олу” шаклида ясалган. Бун-дай дурагай исм пайдо бўлиши сабаби – аслида олхўрининг қадимги туркча номи “қара эрук” бўлган. Юқорида биз форсча “олу” – қадимда туркчада “эрук” бўлганлигини айтдик. Кейин-чалик “эрук” ўрнини “олу” эгаллагач, “қара эрук” ҳам “қара олу” – “қароли”га айланган.

“Бобурнома”да ҳозирги Афғонистон ҳудудига ўсадиган эмлук дарахти ҳам тилга олинб, унинг мевасини турклар “қора емиш” дейишлари ҳам айтади: “Қўрғоннинг икки тарафидаги руд (ан-хор, дарё) ёқалари тамом дарахттур, кўпраги эмлук йиғочидур. Бу мевани баъзи турклар қора емиш дерлар”.



ЗАРДОЛИ – бу исм форс-тожикча “сарик” маъносига “зард” ва “олу” сўзларидан ясалган, яъни “сарик олу”, “Девону луғатит турк”дан эса бу мева-нинг қадимги туркча номи ҳам – “сарғ эрук” эканлигини кўриш мумкин. Ҳо-зирги ўзбек тилида қадимги туркийда-ги “эрук” фақат шу мева номида “ўрик” шаклида сақланиб қолган. “Зардоли” кўпроқ Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ҳудудларида “ўрик” маъносига қўлла-нилади.

ГУРДОЛИ – бу ном бирорта ўз-бекча луғатда учрамади. Эҳтимол, “гурдолу” – форс-тожикча “пахлавон, ботир” маъносига “гурд” ва “олу” сўзларидан ясалган бўлиши мумкин. Чунки тожикча луғатларда: “гурдолу – навъи олун калондона”, яъни “кат-

та дона олу нави” деб изоҳланган. Шунингдек, ўзбек ва тожик шеваля-рида “олхўри” маъносига: “ғайноли”, “ғайлоли”, “ғайдолу” каби номлар ҳам мажбур.

ШАФТОЛИ – бу сўз этимологияси ҳақида “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да келтирилган изоҳ қониқарли эмас. Мутахассислар талқинига кўра, бу сўз ўрта форс тилидаги “сут” маъно-сига “шифт” (“shift”) ва “олу” сўзлари-дан ясалган ва “сутили олу” маъносига эга. Қадимги турк тилида эса бу мева-ни – “тўлғу эрук” деб аташган.

“Девону луғатит турк”да яна бир мева номи – “лӣмкән” ҳам келтирилган бўлиб, унга “сарик олхўри” деб изоҳ берилган. “Бобурнома”да Бобур ли-монни – “лим” деб атади. “Девон”-да ҳам “лимкан”, яъни “сарик олхўри” деганда, эҳтимол, лимон кўзда тутил-гандир. Ёки қадимги туркийда ҳозирги тилимиздаги ўрик икки ном билан: ҳам “лимкан”, ҳам “сарғ эрук” деб аталган бўлиши мумкин.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

Jadid

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЙШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:
Шўҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Акмал Жумамуродов

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади – 18 761

Шундан:

Кирилл ёзувида – 7 119

Лотин ёзувида – 11 642

Медиа кузатувчилар – 74 370

Буюртма: Г – 1139

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:30

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz